

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 52 (10.357)

2005 ЙИЛ 17 МАРТ

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

ЛЮБЛЯНА, 16 март. /ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади/. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Словения Республикасида расмий ташрифи олий мартабали меҳмонни «Брдо» қасрида расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Бу ерда икки давлат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради.**

Ўзбекистон ва Словения Президентлари Ислам Каримов ва Янез Дрновшекнинг якка-якка суҳбатида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, сайёҳлик, бизнес вакилларининг мулоқотини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ўзаро савдо ҳамини ошириш, сармоса соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида фикр алмашиб, мавжуд имкониятларни таҳлил этдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўртасида автомобилда йўловчи ва юртакни халқаро ташиш тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словениянинг Новолубяна банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президент Ислам Каримовнинг Словения пойтахти Любляна шаҳри маъмурияти раҳбари Даниц Симич хоним

билан учрашувида тadbirkorлик ва сайёҳлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов Любляна шаҳри фахрий меҳмонларининг Олтин китобида дастхат ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов «Брдо» қасрида Словения Миллий кенгаши раиси Янез Сушникни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди.

Шу кун Словения Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Словения тadbirkorлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Тадбир якунида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Словениянинг «Рене тур» сайёҳлик агентлигининг ҳамкорлиги тўғрисида битим ҳамда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси ва Словениянинг экспорт корпорацияси ўртасида факультатив қайта сўғурталаш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Словенияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)

Ўзбекистон ва жаҳон

Германияда рус тилида чоп этиладиган «Антенна» журналининг сўнги сонинда Ўзбекистон ва ақинлашиб келаётган Наврўзи олам ҳақидаги мақолалар туркуми босилиб чиқди.

НАВРЎЗ ВА ҚАЛБАДАГИ ҚЎМСАШ

Мақолалардан бирининг муаллифи – кўп йиллардан бўён Германияда истиқомат қиладиган журналист Лариса Вартанова ўзининг Тошкентда кечирган йиллари ҳақида тўхталиб, жумладан, «Ёшлитимга ошно бўлган шаҳри азим - Тошкентни қўмсамастимнинг сирам чораси йўқ, - деб ёзди. «Тошкент, баҳор, Наврўз» сарлавҳали мақоласида. У кўнча ва ҳаммаша навқирон, бугунги кунда миллий ва замонавий маданиятни ўзида бирдек мужассам этган гўзал Тошкентни «Шарқнинг ганжинаси», деб атайди. 21 март кун кириб келадиган баҳор айёми - Наврўзи олам кезлари барча гина-қудратлар кечирилади, ўзаро араз-андуҳлар барҳам топади. Хар бир оила дастурхони турли миллий таомлар ва ширинликларга тўлади. Таомилга кўра, байрам олдида катта қозонда сумалак пишириш Ўзбекистонда анъана тусини олган».

Л.Вартанова ёшлигини қўмсаб ёзишда давом этар экан, Ватан ҳақида шундай дейди: «Ўтмишнинг хотиралари яна ва яна хаёлимга бостириб келаверади, мен эса нима қиларимни билмай қоламан. Мен бу бетакрор шаҳарни ҳаммаша севганман ва бундан кейин ҳам севиб қоламан, чунки унда Ватан ҳиди мужассам. У мен учун Ер шаридаги энг гўзал ва қалбимнинг энг тўридан жой олган шаҳардир».

Бахриддин АСЛАНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Берлин.

XVI саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кенгаши ва бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида банкнинг 2004 йилдаги иш якунлари кўриб чиқилди ҳамда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

• Тошкентда «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги ва Урбан институт ҳамкорлигида «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарув ривожини лойиҳаси доирасида уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини янада тақомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди.

• Кеча Тошкентда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Таълим жараёни оммавий ахборот воситалари нигоҳида» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

• Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Наманган вилоят бўлими ташкил этган бадиий ранг-тасвир асарлари кўргазмаси оғоҳлик ва хушёрлик, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

• Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилоятидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида «Камалак жилоси» болалар расмлари кўрик-танлови ўтказилди.

• Кармана тумани пахтакорлари Навой вилоятида биринчи бўлиб чигит экишни бошлашди.

• Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ажойиб иншоот – 20 минг ишқибозга мўлжалланган стадион қурилиши жадал давом этмоқда.

Жаҳонда

• Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос Кохира шаҳрида мухториятда фаолият юритаётган террорчи гуруҳлар етакчилари билан учрашиб, Исроил билан эришилган тинчлик битими юзасидан музокаралар олиб боярпти.

• Мамлакатда бўлиб ўтаётган оммавий норозилик намойишларини сўнг Боливия Президенти Карлос Меса мuddатидан олдин ўз ўрнига зудлик билан сайлов ўтказиш таклифини билдирди.

• Италия Бош вазири Сильвио Берлусконни иттифоқчилар билан тузилган шартнома доирасида Ироқдан ўз қўшинларини 2005 йилнинг сентябрида олиб чиқилиши бошланиши билдирди.

• Россия федерал хавфсизлик хизмати чечен айирмачилари етакчиси Аслан Масхадов ҳақидаги маълумотини етказган шахсларга ваъда қилинган 10 миллион долларни топширди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

• **КЕЧА** Бектемир туман марказий кутубхонасида китобхонлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Қайнар сумалак» деб номланди.


• **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги «Боғишамол» маҳалласида Наврўз айёмига тухфа сифатида бунёд этилган ҳар томонлама шинам, қулай ва замонавий янги гузар мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

• **БУГҮН** Сергели саноат касб-ҳунар коллежида ўтказилган «Соғлом турмуш тарзи» мавзусидаги Сихат-саломатлик йиллига бағишланган тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч пункти ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 284-мактабда ўтказилган «Баҳор келди сени сўроқлаб» мавзусидаги тадбир Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияxonим таваллудининг 90 йиллигига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Она заминимиз узра баҳор ва янгилаш байрами – Наврўз нафаси кезмоқда. Азал-азалдан халқимиз байрамларини тозаллиги покзаалик, бутун атрофни гулчулларга буржаб, хайрли ва эзгу ишларни амалга ошириб ёруғ юз билан кутиб олганлар. Аини кунларда қайқа қараман орасалик, ободонлаштириш, дов-дархатлар ўтказиш юмушлари авж олганини кўриб баҳри дилингиз очилди. Корхонаю



ташкilotлар, ўқув юртлари, маҳаллаларда айникса иш қизғин, «Ҳашар — элга ярашар» нақлига амал қилиб жойларда катта-катта ишлар амалга оширилмоқда, гузару кўчалар янада чирой очмоқда.

19 март — *Умумхалқ ҳашари*

ҲАР БИРИМИЗ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

— Шаҳримиздаги 450 та маҳалланин ҳар бирида аллақачон ободонлаштириш, кўсалмазорлаштириш юмушлари бошлаб юборилган. — дейди бу тўғрида шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла-жамғармаси раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов. — Кўча ва хиёбонлар, ариқ ва зовурлар тозаланиб, дархат ва гул кўчатлари ўтказилмоқда. Маҳаллада шундай яхши удум бор, хайрли ишлар бошида табарруқ, кекса отахон-онахонлар туриб, ёшларга ибрат бўладилар. Тозалик — озодаликка ҳар бир маҳалладошининг ҳисса қўшиши, ёрдамга муҳтож оилаларнинг уйини таъмирлаб бериш, ҳашар йўли билан савобли юмушларни қилишга қақирадилар.

19 март — умумхалқ ҳашарида ҳам шаҳримиз маҳаллаларидан 700 мингдан ортиқ аҳолининг иштирок этиши кутилмоқда. Шу кун бун теварак-атроф, 395 гектар ер майдонлари, 48 та қабристон, 650 километр ариқ ва зовурлар чиқарувчилардан тозаланиб, тоза ва ораста ҳолга келтирилади, 7000 тул манзарали, 20000 тул мевали дархат, 100000 дан ортиқ гул кўчатлари ўтказилади. Кўча ва хиёбонлардаги 6000000 га яқин дархатлар оқланиб,

уларга шакл берилади. Тулланган чўқундиларни олиб чиқиб кетиш учун эса 400 та техника воситалари жалб қилинади. Уйлаймизки меҳнат ва яратувчанлик байрами Наврўзи олам олдида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида ҳар бир юртдошимиз бежонидил иштирок этиб шаҳримизнинг янада чирой очиб боғу бўстонга айланишига ўларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.



Шоира МУҲАМЕДОВА

Икхисоқийёт

ТИББИЁТ
ИДИШЛАРИ

“Ўзфармсанот” давлат акциядорлик компанияси-га қарашли “FARM GLASS” кўшма корхонаси тиббиёт идишлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистондаги ягона корхона ҳисобланади.

0,01 литрдан то 0,7 литргача бўлган ҳажмдаги тиббиёт учун зарур шиша идишлар чиқаришга ихтисослашган корхонада буюртмачи хоҳишига кўра эксклюзив кўринишдаги бежирим шиша идишлар ҳам тайёрлаш имконияти яратилган.

Кўшма корхона қошида ташкил этилган “MED GLASS” шўъба корхонасида бугунги кунда 1 миллилитрдан 20 миллилитргача бўлган ҳажмдаги вакуум ва дориналар ўлдирилган шиша ампулалар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу ампулалар УСП-1 нейтраль шишалардан тайёрланади. Айниқса шўъба корхонада тайёрланаётган куёш нуридан ҳимояловчи шиша идишларга бугунги кунда буюртмачи талаби юқори.

ЗАМОНАВИЙ
НАҚШИНКОР
ПАНЖАРЛАР

Қадимги Римда темирчиларни темир усталари деб аташганлигига сабаб, улар оддий темирдан олов ёрдамида юқори даражадаги санъат асарларини яратишган. Темирчилик санъати ҳар қандай даврда кадрланиб келинган, тоблаб ясалган маҳсулотлар доимо машҳур бўлган.

Бугунги кунда шаҳримиздаги “Ватан” фирмаси металл ашёсидан бежирим кўринишдаги санъат асари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналардан саналади. Ушбу фирма 2000 йил мартда ташкил этилган бўлиб, Германия “Нево” фирмасининг замонавий темирчилик линиялари асосида иш юритади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган темир панжаралар, дарвоза ва дарчалар, дераза панжаралари ва камин бўлма-лари ҳамда мебеллар ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқаришга эришишни мақсад қилган фирма тадбиркорлари келгусида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, кўпга чидамали ва мустаҳкам металл панжаралар рақобатбардошлигини юксалтиришни кўзлаган.


ҲАМКОРЛИК
КИЛИШ
ИСТАГИДА

“Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи” очик турдаги акционерлик жамияти Ўзбекистон темир йўл тармоғидаги етакчи корхоналардан саналади.

Ушбу завод юқори технологиялар билан таъминланган бўлиб, йўловчи вагонлар ва маҳсул йўналтирилган вагонларни таъмирлаш ва модернизация ишларини амалга оширади. Ҳозирда ички бозорни ўзлаштирган заводнинг асосий мақсади ташки иктисодий алоқаларни ҳам яхши йўлга қўйишдир.

Озода РИХСИЕВА

Ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда



Баҳорни бежизга уйғониш, яратиш ва яшатиш фасли деб атамайди халқимиз. Ҳамшаҳарларимиз яратиш ҳамда яшатишга ундаган ободонлаштириш ойлиги, ҳашарлар ҳам ана шундан — баҳор эзуликлари ҳамда Наврўзи олам таралдуидан бир нишона.

ИШЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Чилонзор туман ободонлаштириш бошқармасининг 200 нафардан ортиқ ишчилари ҳам шаҳримизни янада кўркем, гулу гулзорларга бурканган сўлим ва ораста масканга айлантириш мақсадларида қизгин паллага кирган ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказишга астойдил бел болаганлар.

— Сиҳат-саломатлик йилида табиатимизни мусоффо, пойтахтимизни янада тароватли қилишга муносиб ҳисса қўшиш ниятида, — дейди бошқарма раҳбари Ҳамза Холмуродов, — жамоамиз ҳамжихатлик билан режага асосан иш олиб бормоқда. — Ишчи-хизматчиларимиз худудимизни янада обод

қилиш ҳамда яшатиш йулида ғайрат кўрсатмоқдалар. Эътиборли томони, туманимиздаги ҳар бир дарахтга паспорт юритилиб, картотека тузилган. Унга асосан мавжуд дарахтларга шакл бериш билан бирга тағлари юмшатилади ҳамда оқланади.

Шу кунгача ободончилар томонидан 25 мингдан ортиқ дарахтлар оқланди. Жумладан, дарахтлар экишга жуда қулай бўлган мавсумда туманнинг Халқлар дўстлиги, Туроб Тула, Чилонзор кўчалари, кичик Ҳалқа йўли, «Бешёғоч» майдонига ҳаммаси бўлиб 45 минг туп дарахт кўчатлари ўтказилди.

Туманда 45 мингта бир йиллик гуллар ҳамда гул буталари ўтказилади.



Фестиваллар

ТЕАТР—ҲАЁТИМИЗ
КЎЗГУСИ

Бугунги кунда профессионал театрлар билан бир қаторда ҳаваскорлик халқ театрлари ҳам ижодий фаолиятларини самарали олиб бормоқдалар.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Ҳаваскорлик театр жамоаларининг республика фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров очиб, фестиваль қатнашчиларини табриклаб, уларга омад ва зафарлар тилади. Шундан сўнг фестиваль иштирокчиларининг ижодий беллашувлари бошланиб, саҳна асарлари намойиш қилинди. Томоша сўнггида фестиваль қатнашчилари иштирокида «Ҳаваскорлик театр санъатини ривожлантириш—ҳозирги давр талаби» мавзуда таниқли санъаткорлар, режиссёрлар ва драматургларнинг очик давр мулоқотлари бўлиб ўтди.

—Ушбу фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан голиб деб топилган бадий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг саҳна асарлари билан иштирок этишмоқда, — дейди театршунос Эсонбой Ўринов. — Фестивални ўтказишдан асосий мақсад ҳаваскорлик театр жамоаларининг фаолиятини янада ривожлантириш, ихрочилиқ маҳоратларини юксалтириш, асарлар бадий савиясини ошириш, ёшларни театр санъатига жалб этиш, маънавий камолотини шакллантириш ва шу асосда вилоятларда қишлоқ аҳолиси учун маданий хизматни тўғри йўлга қўйишдан иборат.

Фестивалда ҳаваскорлик театр жамоаларининг ижодий чиқишларини Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов, драматург Ҳайитмат Расул, театршунос Эсонбой Ўринов ва М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти декани Маннон Убайдуллаевдан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Фестиваль уч кун давом этиб, унда иштирокчиларнинг ижодий учрашувлари, тадбир голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дилором ИКРОМОВА

Юртимизда мустақиллик шарофати билан маънавий бойлигимиз, миллий анъана ва удуларимизни, маданий меросимизни қадрлаш, ёшларнинг онгига умуминсоний қадриятларни эъзозлаш Ватанга бўлган муҳаббатни чуқурлаштириш, Республикаимизда академик хонандаларнинг ижро санъатини ривожлантириш, ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда маданият ва санъат намоёндаларининг ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида

Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номидаги Республика хонандалари танлови ўтказилмоқда. Танловни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Толибжон Содиқов номидаги халқаро мусиқа хайрия жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган.

Танловлар

ЁШ ЮЛДУЗЛАР
КАШФ ЭТИЛАДИ

— Ушбу танловни ўтказишдан мақсад, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, — Ўзбекистон мусиқа саҳнасининг булулуи, нодир овоз эгаси атоқли хонанда Назира Аҳмедова хотирасини абадийлаштириш ва шунинг баробарида истеъодли ёш овоз соҳибларини, яъни янги-янги юлдузларни кашф этишдир. Бу танловда 35 нафар ёш овоз соҳиблари қатнашадилар. Қатнашчиларнинг ҳаммасига омад тилаб қоламан.

Дарҳақиқат, танлов ёш иқтидорли хонандаларни саралаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Унда театр, маданият ва санъат муассасаларида ижод қилиб кела-

ётган хонандалар, республика олий ва ўрта махсус санъат, мусиқа ўқув юртлиги ўқитувчилари ва талабалари иштирок этадилар. Танлов иштирокчилари Ўзбекистон композиторлари операларидан ариялар, романслар, жаҳон композиторларининг оратория, кантата, романсларини ижро этишлар.

— Мен жуда ҳаяжондаман, — дейди танлов иштирокчиси Ўзбекистон Давлат консерваторияси IV курс талабаси Малика Зокирова. — Голиб бўлишни ким хоҳламайди дейсиз. Орзуим ҳам, истагим ҳам шу. Бунинг учун анча изландим, меҳнат қилдим. Насиб этса албатта бунга эришаман...

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тилимизда сўзлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маънони англатади. Лекин улар орасида баҳор ва Наврўз сўзлари алоҳида ажралиб туради. Бу ҳар иккала сўз шу қадар бир-бири билан эгизакки, баҳор деганда Наврўз, Наврўз деганда баҳор кўз олдимизга келади. Бу сўзлар тилга олиниши билан гўё офтоб чарақлаган-дек дилинг ёришиб кетади. Баҳорни ким соғинмаган? Наврўзни ким кутмаган? Улар таърифини келтирмаган шoir борми? Ҳатто кўлига қалам тутган ҳаваскор ҳам биринчи шеърини машини баҳор ва Наврўзга бағишлайди. Чунки баҳор уйғониш, янгилиниш фасли. Наврўз шоду-хуррамлик айёми.


Кўклам ҳаммага бирдек илҳом бағишлайди. Ҳамма-ни ёруғликка чорлайди. Бобоқолонларимиз баҳорни яратувчан фасл сифатида қадрлайдилар. Бунга биргина мисол сифатида Юсуф Хос Ҳожибнинг жохон адабиётининг дурдоналаридан бири бўлган «Кутадгу -билиг» яъни «Саодатга чорловчи билим» асарини келтиришимиз мумкин. Аслардан аслларга кўлма-кўл ўтиб келадиган бу китобнинг биринчи саҳифалари ҳам бежизга баҳор фаслига бағишланмаган. Унда баҳор таърифи шундай келтирилган.

**Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга очилди гўзаллик йўли.
Бўз ер ипорланди қору муз кетиб,
Безанади олам чирой кўрсатиб.**

**Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Янгидан қурилди баҳорнинг ёйи.**

**Кўёш қайтди яна келиб ўрнига —
Балиқ қуйруғидан Кўзи бурнига.
Баҳорга етишган дарахтлар сариқ, кўк,
Яшил ва қизил ранглар ёпиниб
безанди.**

Ер юзи ҳарир кийимлар кийган ёш қизлардай бўлиб ороланди. Бу гўё хилма-хил матоларни ортиб олган Чин қарвонининг молини ёйган ҳолатига ўхшайди. Тоғлар, қирлар, даладар ҳам бутунлай яшил ва оқ рангларга бурканган. Минглаб гуллар, чечаклар ер остидан



шодийна бош кўтаришди. Бутун олам муаттар ҳидларга тўлди.

**Чиннигул ҳидини ёркан сабо,
Бутун дунё тўлди ипорга гўё.**

**Ғоз-ўрдак — жами куш ҳавода шодон,
Уйинга берилди қувонч чунон.**

**Кўкиш турна кўда навосин чалар,
Туя қарвонидек тизилар, чопар.**

**Бирови кўнар, кўр, бирови учар,
Бирови чопар, кўр, бири сув ичар.**

**Кўшиқ айтди гўзал каклик тоғ ора,
Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.**

**Кулоққа чалинар қора зог сози,
Гўё нидо солган қиздек овози.**

**Чечаклар оралаб юраркан булбул,
Оламини қуршади ширин бир гул-гул.
Чечаклар устида уйнар оҳулар,
Буғулар бўйлашар, нозик оҳ урар.**

**Ковоқ осар осмон, кўзи ёш сочар,
Чечаклар-чи, қувнок, қулиб юз очар.**

**Фалақда чарх уриб олам қушлари,
Бири келди Румдан, Ҳинддан аксари.**

**Чиройга кўмилган кўкатлар ўзи,
Яшилга беланган бу ернинг юзи.**

**Баъзиси хидидан берар дилга жон,
Уларнинг ранги-ла мунаввар жаҳон.**

Бу сатрларни кимдир ўқиган, кимдир ўқиб улгурмаган. Уни ўқинг, маъзини чакинг. Ана шунда баҳорнинг гўзаллигини яна бир бор юракдан хис этасиз. Унинг ўтмиши узоқ-узоқларга бориб такалиши ва у асллар оша ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаётганигини тасаввур этасиз.

Бугун эса юртимиз осмонда мунаввар тонг кезмокда. Бу тонг бизни Наврўз айёмидан бир неча кунга

НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

Бу чархи даврон тиним билмай айланаверади. Тун билан кун алмашаверади. Кунлар, ойлар кўз ўнгимизда шу қадар тез ўтиб турсада, барибир ниманидир интиқлик билан кутамиз. Уша фараҳли кун тезроқ келишини истаймиз. Бу ниҳоят «Мана сенга олам-олам гул», дея фасллар келинчаги баҳор кириб келади.

ажралиб турсада, унинг нафаси, сержило таровати аллақачонлар ўлкамиз бўйлаб таралмокда. Бугун бутун борлиқ ўзгаришда. Она табиатда минг хил қарашма. Даладар яшил либосга бурканяпти. Дов-дарахтлар курта-қанот ёзаяпти. Бодом ва ўрикларнинг анвойи гулларига боқиб тўймайсан. Ҳидлайсан, омонлик-омонлик, дея юз-кўзингга суртасан. Баҳорга, Наврўз айёмига кимлар етди, кимлар етмади. Етказганига шукр.

Наврўз — фақат тантана эмас, у — ишбoshi ҳамдир. Наврўз — дехоннинг қалб одими. Элнинг тақдир ва ўлчови шу одимнинг нечоғлик дадиллигидан бошланади. Дехоннинг баҳорга интиқлик билан кўз тиккани шундай. Унинг бу йилги мўл ҳосил ишқиди далага шошилгани шундан. Ҳа, баҳор нафақат уйғониш ва янгилиниш фасли, балки яратувчанлик фасли ҳамдир. Бир донишманддан сўрашибди.

— Сиз кўпни кўрган алломасиз, айтинчи, наздин-гизда фаслларнинг қай бири афзал?

— Фаслларнинг ҳаммаси бир-биридан гўзал, — дебди донишманд. — Ёзнинг жазирама иссиқлиги, кузнинг тўкинчилиги, кишининг зумрад кўриниши, барча-барчаси кўнгилга хуш ёқади. Лекин улар ичида энг аълоси баҳор ва олам жаҳон интиқлик билан кутган Наврўз айёми.

— Сабаб?

— Баҳор ўлик жонларни тирилтиради. Жонзот борки, киш уйқусидан уйғониб, ғимирлаб қолади. Табиат кўрган кўзни яшнатувчи яшиллик либосига бурканди. Шифобахш кўкатлар барқ уради. Сумалак, ҳалим хор-гин жисмимизга ва хаста юракларимизга дармон бағишлайди, — деган жавобни берган экан донишманд.

Эсимда, ойижонимиз ҳар эрта баҳорда бизни далага чорлаб қолардилар. «Нима қиламиз далада?» десак «Кўкат териб келамиз», дердилар.

Халталарни олиб қир ён-бағирларига чиқиб кетардик. Кўм-кўк табиат кўйида дам олардик, кўкат терардик. Шифобахш ўтлар билан идишларни тўлдириб, ҳориб-чарчаб уйга қайтардик. Шунга қарамай ойижонимиз бошлиқ аёллар бир зумда кечки таомга тайёр-гарликни бошлаб юборишарди. Кўк сомса, кўк чучварага тўярдик. Наврўз айёмиди эса гарчи тақикланган бўлсада ҳар йили хонадонимизда сумалак, орадан уч-тўрт кун ўтказиб ҳалим пиширардик.

—Баҳорда бу неъматларга бир-икки бор тўйиб олган киши йил бўйи ўзини бардам-бақувват ҳис этиб юради болажонларим, — дердилар ойимиз бизга.

Бу дунёда яхшилик, адолат ва ҳақиқат ҳеч қачон из-сиз кетмайди. У қачонлардир кимларнингдир, қайси-



дир қора кўчаларнинг тазийки билан кўёш юзига парку булуғлардан парда тортгани сингари бир муддат сўниши, кечиниши мумкин. Мустабид тузум даврида Наврўзимизга ҳам кўз теғди. Уни диний байрам дедилар. Шўро замонида номуносиб дедилар. Хуллас турли баҳоналар билан бизни Наврўзимиздан жудо этмокчи бўлдилар. Баҳорий шифобахш таом сумалак ва ҳалимлардан маҳрум этмокчи бўлдилар. Баҳорнинг бу шифобахш таомлари таърифини ўзимизча келтириб ўтирмай бир ҳаётий манбаага ёндошиб айтсак сумалакнинг қадр-қиммати ва унинг инсон учун жон малҳами эканлиги кундек равшан бўлади.

«Ал-Қонун» муаллифи, улўғ олим Абу Али ибн Сино бу дунёдан кетар чоғида ватандошларни айрилиқ ҳасрати ичида табиатдан: «Ташлаб кетманг, бизнинг ҳолимиз не кечади», дедилар. Шунда ибн Сино: «Азизларим, барча иш Оллоҳ иродасига боғлиқ. Мен кетурмен, аммо сумалак қолур. Мен кетурмен, аммо қатиқ қолур. Мўмиёйи асл қолур. Ҳар йили Наврўз оламида сумалакка тўйиб олган киши келгуси Наврўзгача соғ-саломат етади», деган экан.

Хайриятки, Истиклол кўёши юртимиз узра барқ урди. Адолат тантана қилди. Тақикланган, эскилик сарқити дея пешонасига тамга босилган ўзбекиона удумларимиз қайта тикланди. Дошқозонларда яна сумалак, ҳалимлар қандай бошлади. Наврўз энг гўзал байрамларимиздан бирига айланди. Бу фаслнинг гўзаллиги шундаки, табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эз-



гулик ва яхшиликка чорлайди.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг Наврўзга бағишланган қайноқ сатрлари билан айтганда:

**Авал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра куртақларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйку,
Демак, Баҳор келди,
Келмокда Наврўз...**

**Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шўьлалардан қамашмокда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмокда Наврўз.**

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Ҳаншаҳарларимиз

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Донишманддан сўрабдилар:

—Бахтни қандай тушунмок керак?
У жавоб берибди:

— Ҳалол яшаш, ўзгалар дарду ташвишига ўзиникидек қараш, қобил фарзандлар вояга етказиш, уларнинг камолини кўриш...

Лавҳамиз қаҳрамони Фатхулла Назруллаевни ҳам ана шундай эзгу амалларни ўзининг ҳаёти шioriга айлантирган инсонлар сирасига кирарди, десак адашмаймиз.

Фатхулланнинг болалиги оғир кечди. Ота-онаси ҳаётдан эрта кўз юмганлиги сабабли ҳозирги Юнусобод туманидаги 12-Меҳрибонлик уйида тарбияланди. Бироқ у табиатан тиришқоқ бўлганлиги учун яхши ўқир, фан асосларини чуқур ўрганишга ҳаракат қиларди.

Еттинчи синфни тугатгач, келгусида

шифокор бўлиб, кишилар дарду ташвишини енгиллаштиришга ҳисса қўшишдек хайрли ниятлар ила тиббий техникумига ўқишга кирарди. Шу орада II жаҳон уруши бошланиб, Ф.Назруллаевнинг келажакка мўлжалланган оруз умидлари буткул ўзгариб кетди. Учинчи курсда эканлигида техникум бўйича биринчилардан бўлиб ҳаёт-мамонт жангларга овланганлар рўйхатига ёзилди.

Уша кезларда авиация соҳаси мутахассисларига талаб катта бўлганлиги сабабли шу соҳани танлади. Қисқа мuddат ичида янги соҳа сирларини ўрганганидан сўнг авиамеханик сифатида Украина, Белоруссия, Польша мамлакатларидаги жангларда қатнашди.

II жаҳон уруши тугаганидан сўнг ҳам тажрибали мутахассис сифатида 1947 йилгача ҳарбий хизматни давом эттирди.

Тинч ҳаёт кўйини қайтган Фатхулла ака қаерда ишламасин у санаот комбинати бўладими, республика фуқаро авиацияси соҳаси, шунингдек бир қатор масъул вазифаларда меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, ўзгалар ташвиши билан яшашга интилиши билан қасбдошлари ва маҳалладошлари эътиборини қозонди. Дарвоқе, ўзи истиқомат қилувчи С. Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласи фаолияти йўлга қўйилишига бош-қош бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинининг дастлабки раиси сифатида беш йил уни бошқарган.

Фатхулла аканинг авиация соҳасига алоҳида меҳр қўйиши эса юртимизда фуқаро авиацияси флотининг туғилиши ва унинг ривожланиши тарихини чуқур ўрганишга асос бўлди. Унинг бу борадаги ўн тўрт йиллик излаишлари, тўпланган ноёб материаллар номзодлик

диссертациясини ёқлашда асосий манба бўлиб хизмат қилди...

Дарҳақиқат, Фатхулла аканинг ғайрат ва шижоатига ҳавас қилса арзийди. Саксон баҳорни қаршилаётганига қарамай, у фаол жамоат ишлари билан банд. У кишини гоҳ шаҳар ҳокимлигининг хатлар, шикоятлар, аризалар бўйича гуруҳ бошқарувчиси сифатида мактублар ижросини ўрганиш юзасидан туманларда юрган пайтларида, гоҳ «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси Фаҳрийлар гуруҳи раиси масъулиятини чуқур ҳис этиб, аэропортларда отряд, бўлимларнинг фаолиятини ўрганиб, соҳа ишларига баҳоли қудрат кўмаклашаётганини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, Чустий маҳалласи оқсоқолининг маслаҳатчиси сифатида ҳам маҳалладошларидан ўз ёрдамини аямайди.

Биз пири бадавлат отахон, куюнчак инсонга эзгу ишлардан сира чарчанмаг, фарзандлар, неварлар, звараларнинг роҳатини кўринг дея тилак билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Жараён

«Бизнинг ҳуқуқий доктринамиз тўғрисида янги, демократик тамойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди». Ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар йўлида муҳим кадам қўйилган иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XVI сессиясидаги маърузасида Юртбошимиз ана шу сўзларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида шахс, унинг ҳуқуқ

ИМКОНИЯТ ДОИМ БЕРИЛМАЙДИ

ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи устувор аҳамият касб этди. Қонунчилик тизимига инсонларвар тамойиллар кенг таъдиқ этилиб, жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳам жазолаш эмас, тарбиялаш муҳим деган ақидага амал қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан муҳим саналар, катта байрамлар муносабати билан эълон қилинаётган амнистия Фармонлари, уларга мувофиқ ҳолда йўлдан адашган, билиб-билмай жиноят содир этган шахсларга юксак баркиренглик, кеңиримлик кўрсатилаётгани фикримиз тасдиғи бўла олади.

Президентимиз ана шундай ҳужжатлардан бирига 2004 йилнинг 1 декабрида имзо қўйган эди. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиғи муносабати билан амнистия тўғрисида»ги мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида Чортоқ туман прокуратураси томонидан ҳам илчил фаолият олиб борилади.

Шу ўринда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб олиши, қайта адашмасликлари учун уларга имконият яратиб бериш, беиш, бемақсад юришларига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Фармон ижроси борасида айна шу масалага алоҳида эътибор қаратдик. Натижанда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида тумандаги қорхона, ташкилотларда 120 та иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, туман ижтимоий кўниктириш маркази ҳамда марказий шифохона томонидан ҳам амнистияга биноан озод этилганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, саломатликларини назоратга олиш, умуман уларнинг келгуси ҳаёти билан боғлиқ масалаларда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, шу йилнинг 5 март кунига қадар маҳкумлар сафидан қайтган 10 нафар шахснинг ҳар бири тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларнинг 7 нафари ишга жойлаштирилди, 1 нафари беморлиғи тўғрисида даволаш чора-тадбирлари қўрилди. Қолган 2 кишининг бири 2-гурӯх ногирони. Иккинчиси воғая етмаган ўспирин бўлгани учун ота-онаси назоратига топширилди. Уларнинг барчасига 343000 сўм миқдорда моддий ёрдам пули берилди.

Авф этиш ҳақида сўз юритаётганда Президентимизнинг ана бир таъкидга лойиқ эътирофига тўхталиб ўтиш жоиз: «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиғи жазонинг оғирлиғи ва шафқатсизлиғига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Жазонинг муқаррарлиғи жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга нисбатан содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланганининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда қиёфа қилади».

Дарҳақиқат, халқимизга хос орият ва ғурурнинг жиноятдан тегишли хулоса қилиш, қайта бу йўлга кирмаслик борасидаги таъсир кучи ҳаётда кўп бора ўз исботини кўрсатган. Ёрни, жиний қилмиш содир этган кўп қўллаб-қўрғаларимизга тергов органларига боришининг ўзиёқ хатони тақдорлашмаслик, келгусида ҳар бир қадаминини ўйлаб босиш учун сабоқ чиқариб олишга етарли бўлади. Биз сўз юритаётган Амнистия тўғрисидаги Фармонда ана шу жиҳатлар кўзда тутилган. Шу боис ҳам уни ҳаётга таъдиқ этиш борасида Фармоннинг 1-моддаси «а», «б», «в» бандлари, яъни биринчи марта ўта оғир бўлган жиноят содир этган 20 нафар аёлга, жиноят содир этган вақтда 9 нафар 18 ёшга тулмаган фуқарога ҳамда Фармон кўнга киргунга қадар 60 ёшга тулган 2 нафар эркекка қўлланлади. Шунингдек, Фармоннинг 2-моддаси 75 нафар фуқарога, 4-моддаси 6 нафар, 6-моддаси 27 нафар, 7-моддаси «а», «б» бандлари 16 нафар шахсга нисбатан таъдиқ этилди. Бундан ташқари, туман ИИБ томонидан қатор моддалар ва бандлардан келиб чиқиб 8 кишига нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиниб, яна шунча кишига юритилган жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилди.

Фармон асосидаги фаолиятга таалуқли юқоридаги далил ва рақамларни бежиз келтирмадик. Улар бағри-кентлик, инсонпарварлик тамойиллари ҳаётимизда қай даражада ифода топаётганини яқол кўрсатиб турибди. Зеро, айбдорнинг гуноҳидан ўтиш, жиний қилмишни кеңири юксак гамхўрлик ва муруватдир. Фикримизни хулосалар эканмиз, Фармон шарофатидан баҳраманд бўлганлар бунди дилдан ҳис этган ҳолда ана шу олийжанго тўғриваларга муносиб яшаб, келгуси ҳаётларини изга солиб олишларини истардик. Чунки имконият доим ҳам берилвермайди. Ҳар бир қадаминини ўйлаб босадиган, етти ўлчаб бир кесишга одатланган кишилар эса ҳеч вақт тўри йўлдан адашмайди.

Ёқубжон ЖАМЛОВ,
Чортоқ тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси

Билиб қўйган яхши

Муаллифнинг шахсий ва номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг энг муҳим ва самарали усули бу суд орқали ҳимоя қилишдир.

Муаллиф ўз асарини яратган, баъзан уни тўлиқ ҳимоя қила олмаётган ҳолда. Муаллифнинг ҳуқуқлари асосан қуйидаги шаклларда бузилади:

1. Бировнинг асаридан руҳсатсиз фойдаланиш;
2. Ҳаммуаллифликка мажбур қилиш;
3. Асардан шартномасиз ёки лицензиясиз фойдаланиш;
4. Қароқчилик;
5. Асарни руҳсатсиз кўпайтириш;
6. Асарларни кўпайтириш, кўрсатиш ва узатишда мавжуд халқро ва миллий тартибларга риоя қилмаслик;

Бу рўйхат яна давом этиши мумкин. Лицензия шартномасини тушуниш ва уларни қўллашдаги муаммоларнинг ўзи бир талай.

Муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича низоларни кўриб чиқишда суд даъвогарнинг талабига ва ҳимоя қилиниши талаб этилаётган объектага эътиборни қаратиши лозим. Бу каби суд ишларида даъ-

вогар сифатида ҳуқуқ бузилган муаллиф, меросхўрлари ёки бошқа ворислари, шунингдек асар дахлсизлигини кўриқловчи шахс ёхуд муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси юқлатилган давлат идоралари ва жамоат уюшмалари бўлиши мумкин. Жавобгар сифатида эса асарлардан турли хил равишда ноқонуний фойдаланган шахслар жалб этилади. Шу ўринда бир эътиборли фактга тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни, халқро хусусий ҳуқуқ нормаларига кўра, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимояси кўп ҳолларда ҳуқумат томонидан таъминланиши талаб этилади. Бунга асосий сабаб, аввало, бу халқро хусусий ҳуқуқ нормалари талаби бўлса, иккинчидан бу соҳа орқасидан давлатда катта даромад кўриш имконияти бор. Демак, ушбу масала анчагина жиддий эътиборни талаб этади.

Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифларнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда амалдаги Фуқаролик Кодексининг моддалари мазмунидан келиб чиқилади. Чунки суд амалиёти муаллифларнинг турли ҳуқуқларини мазкур Кодекс ва «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунга асосланган ҳолда ҳимоя қилади.

Маълумки, муаллифларнинг бу-

ерда кўрилаётган ишнинг аҳамиятига қараб ҳукм чиқаради. Муаллифлик ҳуқуқлари бузилиши бўйича ишларда суд асарият ҳолларда шу соҳа мутахассисларига таянади. Негаки, бу каби ишлар ўз мазмунига кўра гоёт мураккаб ҳисобланади.

Маълумки, муаллиф ўзининг асарга муаллиф деб эътироф этилиш ҳуқуқи ёки номга бўлган ҳуқуқни айна шу каби шахсий номулкий ҳуқуқлари бошқа шахслар томонидан бузилган ҳоллардагина даъво талаби билан судга мурожаат этади.

Баъзида шундай ҳоллар ҳам бўладики, муаллиф розилигини олмай, муаллифлик ҳақини тўламай асардан фойда олиш ҳуқуқбузарлигининг асосий белгиси сифатида акс этади. Бу каби ҳолларда даъвогар, энг аввало ўз исми (номи)ни кўрсатилишини талаб қилиши лозим, сўнгра моддий ва маънавий зарарга тўхталиш ҳам бўлади. Бу ерда асосий хулоса шунки, муаллифнинг номини кўрсатмаган ҳолда белгиланган тартибда асардан фойдаланиш шахсий ҳуқуқларни, хусусан, муаллифлик ва муаллифнинг им-

зога бўлган ҳуқуқини бузиш ҳисобланади.

Шу ўринда қандай ҳолларда муаллифлик ҳуқуқлари чекланиши мумкинлигига тўхталиш. Қуйидаги ҳолларда муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда унинг асарларидан фойдаланиш мумкин:

зилган ҳуқуқларини аниқлаш, етказилган зарар учун маълум қиймат белгилаш жуда қийин кечади. Баъзан уларни аниқ ва тўлиқ ҳисоблаб чиқишининг иложи бўлмайди. Айни шу ўринда маънавий зарар тушунишга ёлға келади. «Маънавий зарар» тушунчаси республикамиз қонунчилиғида илк бора «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда тилга олинди ва унинг моддий жавобгарлиғи белгиланди. Кейинчалик бу тушунча Фуқаролик Кодексидида ўз аксини топиб, уни амалда қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги Қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори тегишлича хулоса берди. Аммо ҳануз бузилган шахсий номулкий ҳуқуқни моддий шаклларда қоплаш тўғрисидаги масала суд амалиётида ўз ифодасини тўлақонли топан эмас. Амалдаги қонун ҳужжатларида маънавий зарарнинг аниқ ёки тахминий бир қиймати ҳам кўрсатилмагани мавжуд муаммоларни янада оғирлаштиради. Шу ўринда бир маълумотни келтириб ўтсак: Россия Федерацияси қонунларида кўра, маънавий зарарни қоплашда жавобгар энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 50000 бараваригача бўлган тўловни амалга ошириши лозим, албатта суд бу

ўзгартиришлар киритиш мажбуриятини юқлиши мумкин ёки бунинг иложи бўлмаса асарнинг ноқонуний нусхаларини жавобгар ҳисобидан йўқ қилиб юбориши лозим. Муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, айниқса бу ҳимоя суд орқали бўлса, даъвоини таъминлаш тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий ва мулкий жавобгарликдан ташқари жиний жавобгарлик белгиланган. Эътиборимизни Жиноят Кодексининг 149-моддасига қаратсак:

«Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектига тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошқор қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланади».

Назаримизда, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектиларга нисбатан қилинган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қоралари кучайтириш лозим. Шундагина муаллифнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

имконияти бирмунча кенгайган бўларди.

Ақсарият ҳолларда муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари бузилса, суд ҳам, даъвогар ҳам етказилган зарар миқдорини белгилашда анча қийналади. Шу боис ҳар бир муаллиф ўз асарининг тахминий қийматларини, фойда ва зарар кўрсатишларини, ҳаракатланиш доирасини, ҳимоя усулларини аниқ белгиллаб олиши, бу ваколат (ҳуқуқ)ни ўзининг қонуний вақилига топшириши лозим. Қонуний вақил сифатида мустақил муаллифлик жамиятлари, шу соҳага алоқадор ваколатли муассасалар, ёки жисмоний шахслар танланиши мумкин. Асарнинг оригинали ёки нусхасидан маълум бир фойда кўраётган жамият ёки муассаса унинг қонуний ҳимояси учун ҳам масъул бўлиши лозим. Ана шундангина муаллиф эркин ижод қила олади, турли расмийтаҳликларга бошини оғритиб юрмайди.

Замонавий дунёда муаллифлик асарлари ва турдош ҳуқуқ субъектларининг фаолияти катта даромад келтириши маълум. Баъзида бу даромадга «шерик» бўлиши истовчилар ҳам топилиб туради. Шу боис, аввало муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари дахлсизлиги таъминланса, кейин бошқа ҳуқуқларга тўхталиш бўлади. Бу каби фуқаролик ишларини ҳал қилишда суд Фуқаролик процес-

4. Асар хизмат топшириғини бажариш тартибидида яратилган ва шартномада асардан фойдаланишнинг бошқа шартлари белгиллаб қўйилган ҳолларда;

5. Халқро шартнома қондаларида ўзгача ҳол назарда тутилган ҳолларда;

Яна шунинг эсда тутиш керакки, мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз қамситмаган ҳоллардагина таъдиқ этилади.

Асар дахлсизлиғи муаллиф учун ҳам, асар учун ҳам энг керакли шартлардан биридир. Унга путур етса, муаллиф ўз асарининг оригина-

ли (қўлёзма ёки босиб чиқарилган нусхасини) судга тақдим этиши лозим, бу унинг даъвоси учун асос бўлиб хизмат қилади. Суд бундай ҳолларда матнларни таққослаш, қиёслаш орқали ҳуқуқбузарлик фактини аниқлайди.

Суд бу жараённи аниқлаш зарҳотиёқ ҳуқуқбузарлик содир этган жавобгарга нисбатан вақтинча ёки дастлабки таъдиқ қўйиши лозим. Шунингдек, суд ҳуқуқни тиклаш учун жавобгарга асарга тегишли

суал кодексининг 220-моддасига биноан ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этишга йўл қўйиши мумкин. Бу каби ишларни қўраётган судлар даъво қўзғатилган кундан бошлаб, судлар томонидан даъвоини таъминлаш чоралари қўрилмоғи лозим. Қонунчиликнинг бу талаби халқро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келади.

Ҳар қандай ҳуқуқий-демократик жамиятда фуқаролар, хусусан муаллифлар бузилган ҳуқуқларини суд органлари орқали ҳимоя қилиши, уларни тиклаши демократик институт ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектилари ва субъектлари нафақат миллий доирада, балки халқро миқёсда ҳам «ҳаракатланишида» ва шунга яраша қомплекс ҳимояга муҳтожлик сезадилар. Бу ҳимоя халқро конвенциялар ва миллий қонунлар асосида вужудга келади. Демак, муаллиф ҳар жиҳатдан аҳамиятга молик шахс саналади. Унинг шахсий номулкий ҳуқуқларига ҳеч қандай дахл қилолмайди, чунки айтилганидек, муаллифлик ҳуқуқи муқаддас деа эътироф этилади.

Фаррухжон ФАЙЗИЕВ,
Жаҳон иқтисодий ва
Дипломатия университети
Халқро ҳуқуқий
муносабатлар факультети
5-курс талабаси

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Жаннатмакон юртимизни обод ва фаровон этаётган танти ва меҳнаткаш, фидойи замондошлар!

Барчангизни нафосат ва гўзаллик, яшариш ва янгиланиш айёми —



НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборақбод этамиз.
Янги кун янги муваффақиятлар,
янгидан-янги қувончу
шодликлар олиб келсин.

Чортоқ туманидаги
**КОРОСКОН ИҚТИСОДИЁТ ВА
ТАДБИРКОРЛИК КОЛЛЕЖИ** жамоаси



«ПОПДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИАТИ

жамоаси барча ватандошларимизни халқимизнинг энг қадимий, энг суюкли айёмларидан бўлган меҳр-оқибат, хайр-саховат, гўзаллик ва нафосат байрами

НАВРЎЗ БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИЛАР.

Янги кун Шарқ халқларида йилнинг бошланиши, деҳқону боғбон, соҳибқору галлакор учун гайрат-шижоат бахш этадиган хайрли палладир. Шундай қутлуғ дамда тилакларимиз эзгу: деҳқон баҳори қут-баракали келсин, юртимиз узра ҳамиша тинчлик-омонлик, файзу фаровонлик барқарор бўлсин.

**ЯНА БИР БОР БАЙРАМИНГИЗ
БИЛАН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**





Қадим қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз тантанаси бўлмиш Наврўзи олам муборак бўлсин, муҳтарам ҳамюртлар! Барчаларингизни гўзал ва навқирон айём билан муборакбод этиш баробарида қалбларингизни баҳорий кайфият, гулгун чехрангизни хушнудлик, ҳаётингизни мунавварлик тарк этмаслигини тилаймиз.

**ҲИҶОАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
КАСБ-ҲУНАР
КОЛЛЕЖИ**



**ЧУСТ ШАҲРИДАГИ
57-АВТОКОРХОНА
МЧЖ АЪЗОЛАРИ**

Бутун мамлакатимиз аҳлини, шу билан бирга барча транспортчиларни

**НАВРЎЗИ ОЛАМ
БИЛАН
ҚУЯТЛАЙДИМIZ.**



Акционерлик тижорат «Пахтабанк»

вилоят бош бошқармаси барча юртдошларимизни элимизнинг энг қадамий ва ҳамиша навқирон айёми — Наврўзи олам билан қизгин табриклайди ҳамда ўз хизматларини таклиф этади:

№	Омонат номи	Муддати	Йиллик фоиз	Бошланғич бадал	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча	Чекланмаган	5 %	500 сўм	
2.	Муддатли	6 ой	24 %	50.000 сўм	
3.	Муддатли	1 йил	24 %	50.000 сўм	
4.	Муддатли	3 йил	26 %	50.000 сўм	
5.	Муддатли	5 йил	26 %	50.000 сўм	
6.	«Оқ олтин»	6 ой	24 %	2.000 сўм	Фоизлар ҳар ой бўнак тариқасида олдиндан берилади
7.	«Пахтакор»	3 ой	25 %	1.000 сўм	
8.	«Фаровонлик» (капитализация)	3 ой ва 6 ойга	24-25 %	5.000 сўм	Агар ҳисобланган фоизи олинмаса, 1.000.000 сўм маблағга 3 ойда йиллик 24,5 ва 6 ойда 26,3 фоизга тўғри келади
9.	«Навнихол» (16 ёшдан 25 ёшгача)	1 йил	МБ қайта молиялаш ставкасида	1.000 сўм	
10.	«Барака»	3 ойдан 1 йилгача	16, 18, 22, 24%	20.000 сўм	Фоизлар ҳар 3 ойлик бўнак тариқасида олдиндан берилади
11.	«Болалар келагагимиз» (14 ёшгача болалар учун)	1 йилдан 5 йилгача	22-28 %	10.000 сўм	
12.	«Баҳор»	9 ой	25 %	20.000 сўм	
13.	«Саховат»	1 йил	26 %	20.000 сўм	
14.	Пластик карточка омонат тури	Муддатсиз	30 % (капит-ция 34,5 %)	Бир минимал иш ҳақи	



Азизлар, тоғганингиз фракати яхши кунларга бўйурсин!



олам воқеалари ва уларнинг тафсилотлари, жаҳоний ахборотлар

ЛАВОЗИМНИ ҚАЙТА ЭГАЛЛАДИ

Ливан бош вазири Омар Карамидан 28-феврал куни истеъфога чиққанлиги ҳақида аввал хабар берган эдик. Яқинда эса у яна бош вазирлик лавозимига қайта сайланди. Мамлакат Президенти ва парламент фракцияларига аъзо депутатлар билан бўлган маслаҳатлашувда 128 нафар депутатдан 71 нафари Омар Карамидан учун овоз берди. Президент саройининг ахборот масалалари бўйича маслаҳатчиси Рафиқ Шляля берган маълумотларга асосланиб, Reuters ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Президент Эмил Лахуд Омар Карамидан ҳукуматнинг янги таркибини шакллантириш вазирасини топширди. Омар Карамидан эса муҳолиф кучлар вакиллари

ҳам ҳукуматнинг янги таркибидан ўрин олишини билдирди.

Эслатма: Омар Карамидан бош вазирлик лавозимини 2004 йил октябрда эгаллаган. Бироқ жорий йилнинг февралда собиқ бош вазир Рафиқ Харирининг ўлимидан сўнг мамлакатда вазият кескинлашганлиги боис истеъфога чиққан эди.

У 1934-йили Триполида туғилган. Отаси ҳам, акаси ҳам бир вақтлар ҳукуматни бошқарган. Яъни отаси Абдул Ҳамид Карамидан 1945-йилда, акаси Рашид Карамидан эса 1990-йилдан 1992-йилгача ушбу лавозимни бошқарган.

Тафсилот

ИККИНЧИ ТУР САЙЛОВЛАРИ ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ

Маълумки, 27-феврал куни Қирғизистонда парламент сайловларининг биринчи тури амалга оширилган эди. Бироқ айрим сайлов округларида номзодлар керакли овозларни йиға олмаганлиги боис 13-мартда қайта овоз бериш жараёни ўтказилди.


Авалло шуни айтиш лозимки, сайловнинг биринчи турида ноҳолисликлар юз берди, дея ҳисоблаган муҳолифатчилар республиканинг бир қанча вилоятларида норозлилик намойишларини ав олдирилди. Жумладан, Жалолободнинг марказий майдонига йиғилган икки мингга яқин одам вилот маъмурияти биносини эгаллаб олдилар (6 мартдан эътиборан). Улар майдонга ўтовлар тикиб, ҳатто иссиқ оқватларни-да, шу ерда тайёрлашга киришдилар. Бу билан худди Украинадагидек «Бахвал инкилоб»ни бошламоқчи бўлдилар. (Вилот губернатори Шарипов эса ички ишлар бошқармасидан бошлана топди).

Энг қайноқ ҳодисалар мамлакатнинг жанубида авж олди. Минглаб намойишчилар колоннаси республиканинг жанубий катта кенти — Ушга қараб ҳаракат бошладилар. Норин вилоти аҳолиси эса Хитой пойтахтига олиб борувчи стратегик тарассани тўсиб қўйдилар. Улар Ишанбой Қодирбеков номзоди олиб ташланганлигига қарши норозлилик билдирмоқдалар. Дарвоқе, 3-Норин сайлов округида қайта овоз бериш 13-мартда бўлмади, балки 20-мартга белгиланган. Бунга сабаб ушбу округда И. Қодирбековнинг номзоди иккинчи турда рўйхатга олинишини бекор қилиш ҳақидаги суд қароридир. Унинг ўрнига биринчи тур сайловларида кўпроқ овоз олган номзод қўйилган.

Иссиқкўл вилотидаги Тонск сайлов ок-

ругида эса 13-март куни иккинчи эмас, балки биринчи тур сайловлари бўлиб ўтди. Негаки, бу ерда оммавий намойишлар авж олганлиги боис овоз бериши муддатиде ўтказишнинг урдасидан чиқиб бўлмади. Кўчкор сайлов округида эса биринчи тур сайлов натижалари амалда қабул қилинмади. Чунки 62 фоиз сайловчи номзодларнинг барчасига қарши овоз берган эди. Демак, қонунга қўра, бу ерда янгидан қайта сайлов ўтказилиши лозим. Фақат бу қачон ўтказилади, ҳозирча номаълум.

Умуман олганда сайлов жараёнларида ноҳолисликлар, қонун бузилиш ҳолатлари, яъни сайловчиларни «сотиб олиш», номзодлар рўйхатга олинишини бекор қилиш, оммавий ахборот воситалари ишига аралашув сингари қонунга зид ҳолатлар юз берганлигини халқроқ кузатувчилар — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва бошқа хорижий ташкилотларнинг тафсилотлари ҳам қайд этилди. Бироқ бунини тузатиш учун муҳолифатчилар қонун доирасида иш қўришлари лозим. Бунини халқроқ



экспертлар ҳам таъкидлашди ва муҳолифатчиларни шунга чақирди.

Асосийси, нима бўлганда ҳам республика Жўрғи Кеңешига сайловлар бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Сулаймон Иманбоевнинг айтишича, 75 депутатлик ўрнидан 71 тасига номзодлар сайланди. Сайловнинг икки турда 400 дан ортук номзод кураш олиб борди. Биринчи турда атиги 28 нафар номзод депутатлик учун етарли овоз ололган бўлса, иккинчи турда 40 та сайлов округида қайта овоз бериш тадбирлари ўтказилди. Сайлов жараёнларини 200дан ортук (шундан 108 нафари МДХ-га аъзо мамлакатлардан келган) хорижий кузатувчилар кузатиб бордилар.

Яна бир гап. Иккала тур сайловда ҳам муҳим бир янгилик — америкача усул, яъни сайловчиларнинг бош баромоғига махсус сиёх суртиб, сайлов бюллетенига ўзига хос «муҳр» босиш тартиби қўлланилди. Бу эса ноқонуний бюллетенлар қўтилганда пайдо бўлишига чек қўяди. Бундан ташқари республика тарихида биринчи бор барча сайлов участкалари махсус дастурларга эга компьютерлар билан жиҳозланди.

Бу ҳам ўзига хос сиёсий жараёнда муҳим белгилардан бири ҳисобланади.

МАҲБУС ҚАТЛ ЭТИЛДИ

АҚШнинг Техас штатида тўрт кишини, шу жумладан, ўз онасини пул учун ўлдирганлиги боис 1995 йилда ҳибсага олинган Деннис Уэйн Багуэлл ўлим инъекцияси қўллаш усули билан қатл этилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, бугунги кунда 72 та давлатда ўлим жазоси тўлиқ бекор қилинган, 30 мамлакатда эса мана 15 йилдирки бу жазо тури қўлланилмапти.

Ўлим жазоси бугунги кунда Африка мамлакатларида, шарият қонунилар амалда бўлган араб давлатларида, шунингдек, Хитой, Япония ва МДХга аъзо давлатларда (Озарбайжондан ташқари) сақлаб қолинган. АҚШнинг 36та штатида ҳам ҳали бекор қилинмаган. 1977 йили ўлим жазоси бўйича мораторий бекор қилинган ва ўшандан бери 900 нафардан ортук маҳбус қатл этилган. Жумладан, 2004 йилда АҚШда 65 киши қатл этилган бўлса, шундан 24 нафари Техасга, 17 нафари Оклахомага тўғри келди.

2003 йили АҚШда ўлим жазосига маҳкум этилган 3 минг 374 маҳбус бугунги кунда ҳукми ижросини кутиб ётибди. Бу 2002 йилга нисбатан 188 нафар кам демакдир.

Умуман олганда, қатл этиш бўйича дунёда Хитой биринчиликини қўлдан бермай келаётир. Утган йили у ерда 500 маҳбус қатл этилган. Бу кўрсаткич дунёда қатл этилганларнинг 90 фоизини ташкил этади.

АРМИЯДА АЁЛЛАР

Турли манбаларга қараганда, бугун Хитой халқ озолиги армиясида 10 мингга яқин аёл хизмат қилмоқда. Ҳарбий хизматга олишларини сўраб ёзилган яна шунча ариза эса ҳарбий комиссариатларда ётибди. Яқинда эса Хитой Халқ Республикаси тарихида биринчи бор аёллардан бири генерал-майор унвонига сазовор бўлди. У 54 ёшли Юе Сицой бўлиб, ҳарбий ҳаво кучларида 36 йилдан бери хизмат қилади. Бугунги кунда унга тенг келадиган моҳир учувчини топиш амри маҳол.

Унинг парвозини ҳисоб-китоб қилганлар ҳам бор экан — 6 минг соатни ташкил этаркан, агар бу парвознинг масофасини чиқарадиган бўлса, 2 миллион километрдан ошиб кетарди.

Умуман олганда, 1951 йилдан бери ХХР халқ озолиги армиясининг ҳарбий ҳаво кучлари таркибида бир неча юзлаб аёл хизмат вазирасини ўтаган ва ўтамоқда. Шундан 400 нафари ўз мутахассислиги бўйича моҳирлик даражасига эришгани учун турли мукофотлар билан тақдирланган.

Бироқ улар қанчалик моҳир учувчи бўлишмасин, фазовий кемада коинотга учишга барибир руҳсат берилмапти. Бу ҳақда мамлакат тарихидаги иккинчи парвозга тайёргарлик қўриш комиссияси вакили Ци Фахан Xinhua ахборот агентлигига интервью берди. Фазовий парвозга 700 соатдан ортук учган ҳарбий учувчи даъвогарлик қилиши мумкин. «Бизда моҳир ҳарбий учувчи аёллар кўп бўлишига қарамай бирортаси фазогирлик талабларига жавоб бера олмапти», деди Ци Фахан.

Унинг сўзларига қараганда, «Шеньчжоу — 6» фазовий кемасининг парвози шу йил октябрга белгиланган. Ҳозир фазогирларнинг тайёргарлиги қизгин паллада. Фақат экипаж таркиби парвоз олдида маълум бўлади. 2003 йил октябрда коинотда 21 соат парвоз этган Хитойнинг биринчи фазогир Ян Ливэй бу таркибга кирадими-йўқми, бу ҳам номаълум.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙГАН

Россия Федерацияси саноат ва энергетика вазири Виктор Христенконинг «Новости» ахборот агентлигига маълум қилишича, бу йил 640 миллиард кубометр газ ишлаб чиқариш режага киритилган. Вазирнинг гапларига қараганда, бу ўтган йилга нисбатан анчагина юқори кўрсаткичдир.

Режада белгиланган газнинг 547 миллиард кубометри «Газпром» ҳиссасига тўғри келади.

Умумий ишлаб чиқариладиган газнинг 434 миллиард кубометри мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилса, 206 миллиард кубометрга яқини эса экспортга чиқарилади.

ИФОР ОГРИҚНИ КАМАЙТИРАДИ



Хушбўй ифорлар киши кайфиятини кўтариш билан бирга, беморларнинг тезроқ соғайиши учун ҳам муҳим восита бўла оларкан. Канаданин Квебек университети олимлари хушбўй ифорларнинг огриқларни қолдиришга таъсири, бу жараён аёлларда қандай кечсади, эркакларда қандай, деган саволларга жавоб топиш учун ўтказилган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келдилар.

Тадқиқот қўйилганда кўринишда олиб борилди: кўнгилли иштирокчилар қўлларини қайноқ сувга тикиб тургани ҳолда, атиргул ёки бодом гули ифоридан баҳраманд бўлдилар. Натижа шуни кўрсатдики, аёллар ўткир муаттар ҳид таъсирида қайноқ сув огриқини деярли сезмадилар. Эркакларда эса бундай жараён кузатилмади, яъни улар барибир огриқни ҳис қилдилар. Демак, аёлларда ҳид билиш сезгилари эркакларга қараганда ўта кучли ривожланган экан. Балки аёлларга гул совға қилиш аънанаси барча халқларда бирдек қабул қилингани шундандир.

Дарвоқе, ёқимсиз ҳидлар танадаги огриқни янада кучайтиради экан. Бу ҳам тадқиқотда ўз тасдигини топди.

Олмоқнинг бермоғи бор

Орамизда шундай инсонлар борки, ўзлари ўрталол, баъзан жуда ноқор яшаша-да, бироддан қарз сўрашга ийманишади. Ор қилишади. Эшик қоқиб ҳақдор келиши улар учун уят, номус саналади.

Афсуски, куйидаги кимсалар бундай гурурли кишилар сирасига кирмайди. Аксинча... 1997-йил сентябр ойи. Мунисхон Маҳмудованинг уйига ҳамкасби, ҳам қалин дугонаси Робияхон келди. Унга тўкин дастурхон тузади. Елиб-югуриб ошга ҳам унчаб юборди.

— Вой ўртоқжон, овора бўлиб ўтирманг. Шундай сиз билан чақчақлашиб ўтирайлик, дея келгандим.

— Овораси бор эканми. Ойда-йилда бир кепқосиз. Бундай ёзилишиб ўтирамиз-да, — дея чой дамлаб келди.

Дастурхонга палов тортилди. Икки дугона анча вақт чақчақлашиб ўтиришди. Робияхон дугонасига қандай қилиб мақсадини айтишни билмай, анча муддат пайт поёлади. Сўнг мезбоннинг кайфияти чоғлигидан фойдаланиб гапни узоқдан бошлади.

— Дугонажон, ҳозир замон кимники, савдогарники бўлиб қолди. Кимни қарама ўзини тижоратга уряпти. Биз ҳам шу ишни этагидан тутмоқчи бўлиб турибмиз, — деди.

— Зап яхши ўйлабсиз-да, Робияхон. Менинг шундай савдогар танишларим борки, юз минг-икки юз мингни пул демай қўйишди. Фақат миллионлар ҳақида гапиришади-я.

— Тўғри айтасиз. Бу ишда фойда катта. Мунисхон, сизнинг олдингизга ҳам айна шу масалада келувдим, — деди меҳмон.

— Айтаверинг, тортинманг.

— Ўғилларим савдонни яхши тушунишади. Улар зўр фойда қиладиган бир ишни бошлаб қўйишди. Шунга... Пул масаласида ёрдам қилиб турсангиз, Сизни ҳам куруқ қўймаймиз. Фоизини берамиз.

— Қанча керак, Робияхон? — деди у.

— Имкони бўлса уч миллион сўм.

— Бу анча катта пул-ку, — дея ўйланиб қолди мезбон.

— Икки йил муддатга оламиз. Албатта тилхат ёзиб бераман.

Шу оқшом Робияхон сўзамоллигидан унумли фойдаланди. Мунисхонни авради, алдади, хуллас ишонтирди.


— Ўртоқжон, ўзимда, тўғрироғи, синглим-да бир миллион сўм бор. Яна бир-икки ишончли танишлар бор. Улардан ҳам бир милли-

ондан ортиқроқ топиб беришим мумкин.

— Яхши бўларди. Ҳаммасини 1999-йил худди шу сентябр ойида нақд санаб бераман, — деди у дугонасини кучоқлаб ўпиб.

Шу кунни Мунисхон нақд бир миллион сўмни Робияхонга санаб тутқазди. Мунисхон икки танишидан 500 минг сўмдан олиб, ўзи жамғариб юрган 200 мингни ҳам қўшиб 2 йилдан сўнг қайтариб бериш шарт билан тилхат ёздириб олди. М. Маҳмудова шундай қилиб Робияхонга жами 2 миллион 200 минг сўм берди.

Яна икки-уч кун ўтиб-



Ой-кун ўтаверар экан. Келишилган муддат ҳам етиб келди. Робияхон Мирқурбонова ҳам, ўғли Жакбар ҳам пулни қайтаришни умуман хаёлларига келтирмай, Мунисхондан яширишиб юришди. Ўз қўлинг билан бериб, оёғинг билан оласан, деганлари шу экан-да. Робияхон ва унинг ўғлини излаб аёлнинг оёқлари толди. Охир-оқибат келишилган муддатдан ҳам икки йил ўтиб, дугона «ҳозир пулим йўқ эди, мана бу икки юз минг сўмни олиб тулинг», — деди.

Жакбар эса онасидан ҳам ўтиб тушди. Тўрт йил ўтиб, атиги 47 минг сўм берди, холос.

Пулларини яхшиликча ундириб олишга қўзи етмаган Мунисхон Маҳмудова судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ҳар нарсанинг чек-чегараси бўлгани маъқул. Робияхон ва Жакбар Мирқурбонов буни билганлари ҳолда катта миқдордаги пулни олиб вақтида қайтариш ўрнига эҳти-ёжларига бемалол ишлатиб юборишди. Ўзаро ишонч ва оқибатни ўз қаричлари билан ўлчашди. Аммо қонун бундай юзсизликка йўл қўймайди. Яқин дугонанинг шунча пулини «туя кўрдингми, йўқ» қабилда ҳазм қилиб юборган она ва ўғил судда жавоб беришларига тўғри келди.

Отдан тушса ҳам эгардан тушишни истамаган она судда шундай кўргазма берди: — Мунисхондан пулни олаётганимда «залог» сифатида тилла-тақинчоқларимни берганман. Тилхат ёздириб олгандим. Лекин уйда ёнғин чиққанда ушбу ҳужжат ёниб кетганди.

Унинг бу ёлғон важи табиийки тош босмади.

Бу ишни синчиклаб кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди даъвогар даввосини қаноатлантириб, жавобгар Р. Мирқурбоновадан икки миллион сўм, Ж. Мирқурбоновдан эса бир миллион 153 минг сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Неъматхон ТУРДИЕВ,
«Дибнат»нинг махсус муҳбири

ОНА-БОЛА ОЛФИРЛАР

ўтмай Робияхоннинг ўғли Жакбар Мирқурбонов эшик қоқиб келди.

— Келинг, Жакбаржон, оингиз соғ-саломатмилар? — дея меҳмонни очиқ юз билан қарши олди Мунисхон.

— Опажон, гапнинг индаллоси, машина сотиб олмоқчи эдим. Шунга ёрдам қилиб турсангиз деб келувдим, — деди.

— Нақд пулим йўқ, лекин бир миллион икки юз минглик товарим бор, — деди аёл.

— Агар рози бўлсангиз, нарсаларингизни пулга айлантирамиз. Ўзи нималарингиз бор?

— Кийим-бошлар.

— Савдогар танишларим бисёр. Айтсам бир икки кунда сотиб беришади, — деди йигит опани қизиктириб.

Шу кунни Жакбар қайтариб бериш қафолати билан тилхат ёзиб, бир миллион икки юз минг сўмлик махсулотларни олиб кетди.

ШИНА ЎҒРИЛАРИ

Кутилмаганда уйдаги гаражидан «ВАЗ-2105» машинасининг 3 дона шинаси ўғирлаб кетилганини сезган Косонсой тумани, «Ёшлик» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Т. Х. тезда бу ҳақда ички ишлар идорасига хабар қилди. Олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида ушбу ўғирликни содир этган шахс — Косонсой шаҳрида яшовчи Ҳ.М. далилий ашё билан қўлга олинди.

ФИРИБГАР ТУЗОҚДА

Норин туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган О. А. исмли аёл туман марказидаги Дехкон бозорига ҳамюрти Ҳ. И. унинг ишончига кириб, 45000 сўмлик эркаклар чарм курткасини фирибгарлик йўли билан олиб кетганлиги юзасидан мурожаат этди.

Айни пайтда ушбу ҳолат бўйича тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЛОТЕРЕЯ УЧУН СЎРОҚ

2002-йилнинг 15-август кунини Андижон шаҳридаги «Амати-Асака» унитар корхонасидан 10 миллион сўмлик «Муқаддас аёл» пул-буюм лотереясини сотиш учун олган Наманган туманида яшовчи С. А. 5 миллион 200 минг сўмни ҳозиргача қайтармай, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборган экан. Ушбу ҳолат жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлди.

МАСТЛИК ОҚИБАТИ

Поп. туманида яшовчи, муқаддам судланган А. У. ҳамқишлоғи М. Ҳ.нинг уйига маст ҳолда бориб, ўзаро жанжал оқибатида уй эгасининг қорнига ошпилоқ билан уч маротаба урган.

Натижада жабрланувчи шифохонада вафот этди.

ЯШИРИЛГАН ҚУРОЛ

Мингбулоқ тумани, Гулбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, фермер хўжалиғи қоровули А. Р. ўз иш жойида ҳеч қандай ҳужжатсиз 1 стволли 16 калибрли ов қуролини ноқонуний сақлаётганлиги аниқланиб, далилий ашё билан қўлга олинди.

УСТАМОН НАЗОРАТЧИ

Косонсой туманида яшовчи, туман газ таъминоти корхонаси назоратчиси Ж. Д.нинг 2003-йил ноябр ойида маҳалладошлари Х. Л., Ж. Х. ва О. О. исмли аёллардан газ ҳисоблагич ва

“02” хабар қилади



фойдаланилган газ тўловлари учун 80000 сўм пул олиб, кассага топширмай ўз манфаати учун ишлатиб юборганлиги аниқланди. Айни пайтда у қилмиши учун тегишли идораларда жавоб бермоқда.

ДАРОМАД ВА ЖИНОЯТ

Чуст тумани, Хисорак қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Э. М. ва ўғли Э.Р. лар 2004-йилнинг 30-апрелидан қорали йилнинг феврал ойига қадар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, 1 миллион 890 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатиб, шундан 520 минг сўмлик назорат қилинмайдиган даромад олганликлари аниқланди ҳамда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

КАНАЛ ҚИРҒОҒИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Наманган шаҳри худудидан оқиб ўтувчи Намангансой канали қирғоғидан уйчилик А. А.нинг туфли или билан бўғиб ўлдирилган жасади топилган. Олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида қотилликни Наманган шаҳрилик Н. Ш. Наманган туманида яшаган (иккови ҳам муқаддам судланган ва яна жиноят қилганлиги туфайли қидирувда бўлган), 1977-йилда туғилган М. У., шаҳарлик, яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи, муқаддам судланган, 1981-йилда туғилган А. О. ҳамда унинг ҳамшаҳри ва ҳамкасби С. А.лар содир этганлиги аниқланди. Н. Ш., М. У. ва А.О.лар ушланган, С. А.нинг эса Тошкентда яшириниб юрганлиги аниқланиб, қўлга олиш чоралари кўрилди.

Далилий ашё сифатида А. О.га тегишли бўлган «ВАЗ-2106» русумли машина олинди.

Вилоят ИИБ матбуот гуруҳи

Божхона даромадлари

СОАТ «САВДО»СИ УЧУН ЖАРИМА

Андижоннинг Қорасув шаҳрида яшовчи Феруза Ботирова савдо-сотикдан анча-мунча хабардор, ўз навбатида бу борадаги қонунлардан ҳам. Аммо у Қирғизистоннинг Қорасув бозоридан 300 дона девор соатларини олиб кетаётганда тартиб-қоидага амал қилмади.

Божхона расмийлаштирувдан ўтмаган товарларни пинак бўзмай довод оша пойтахтга эл-таётганида «Сайрам» чегара назорати масканида тўхтатилган савдогарнинг соатлари мусодара қилиниб, ўзидан жарима ундирилди.

ПАРДОЗ АШЁЛАРИ ПАНД БЕРДИ

Аслида Мадина Дадабоева савдонни қоидла амалга оширганда бундай бўлмади. Аммо андижонлик бу аёл Қорасув бозоридан 308940 сўмлик пардоз-андоз буюмларини сотиб олди-ю, уларни божхона расмийлаштирувдан ўтказишни истамади.

Унга пeshов чиққан 3-сонли «Поп» божхона маскани ходимлари ва чегарачилар бу тутуми қоидабузарлик эканлигини тушунириб қўйишди.

Суд қарори билан ашёлар мусодара қилиниб, қонунбузарга жарима солинди.

ДОВОДАН ЎТOLМАДИ

Қирғизистоннинг Қорасув бозоридан 838 минг сўмлик аёллар жемпери, қўрпа-ёстиқ жилдларини сотиб элган Андижоннинг Марҳамат шаҳрилик

С.В. товарларни бир амаллаб юртимизга олиб кирди-ю, аммо сотиш учун Тошкентга кетаётганда доводдан ўтолмади.

Ноқонуний товарлар ортилган машина 12-сонли «Ҳаракатдаги» божхона маскани ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

ПАЙОҚФУРУШ ҚўЛГА ТУШДИ

15 D 6088 давлат белгили «Нексия»ни «Сайрам» чегара назорат масканида тўхтатган 10-сонли «Учқўрғон-2» божхона маскани ходимлари ҳам қонунбузарликнинг устидан чиқдиши.

Фарғоналик Ҳамрохон Уринова 1880 жуфт, 593200 сўмлик пайпоқни Қўқон бозоридан олиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиш мақсадига пойтахтга кетаётган экан.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227-моддаси, 1-қисмига асосан далилий ашё мусодара қилиниб, эгасидан 6530 сўм миқдорида жарима ундирилди.

КЕЧИККАН ИШ

276080 сўмлик 476 дона аёллар қишки кийимини Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори талабларига зид ҳолда Тошкентга олиб бориб сотмоқчи бўлган Пулатжон Турғунов афсуски мўмай даромадга эришолмади. Сабаби, аввало аллақачон баҳор келиб, қишки кийим-бошларнинг мавсуми ўтган бўлса, кутилмаганда унга пeshов чиққан 6-сонли «Чортоқ» божхона маскани ходимлари қонунбузарлигини фoш этишди.


Бозори бароридан келмаган Пулатжон товаридан айрилгани етмагандай, суд қарори билан жарима ҳам тўлади.

ЯНГИ КҮН МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

*Қадим айём қалбларингиздаги
қўтлуғ ниятларнинг ижобати
йўлида шахд ва шижоат бахш
этишини тилаймиз.*

*Тани сихатлик, омад ва
муваффақият доимо
ҳамроҳингиз бўлсин.*

**Косонсой тиббиёт коллежи
педагогик жамоаси ва
талаба ёшлари**



Нафақат фасллар келинчаги
бахорнинг, балки диёримизнинг
энг гўзал, энг қадим, энг улуг
айёми бўлмиш Наврўз байрами
билан сиз азиз

юртдошларимизни муборакбод
этар эканмиз, барчангизга Сихат-саломатлик
йилида аввало тани соғлик тилаймиз.


*Мустақил Ўзбекистонимиз
осмони доимо тиниқ, юртимиз
обод, дастурхонимиз тўкин,
қалбларимиз шодлигу
хуррамликка тўла бўлсин.*



**Ҳўчи тумани марказий
шифоҳонаси маъмурияти**

Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларнинг ҳур Ватан истиқболи учун муносиб ворислар сифатида камол топиши йўлида меҳнат қилаётган жамоамиз номидан Сизларни 21-март — Наврўз айёми билан қизгин табриклаймиз. Ҳар кунингиз шу байрам каби қувонч ва хурсандчиликка бой бўлсин.

**Янгиқўрғон
қишлоқ хўжалиги
касб-ҳунар коллежи**



Борлиққа ўзгача яшарин, янгилашин бахш этиб келаётган Наврўзи олам қутлуғ бўлсин, азиз элдошлар! Янги кун тароватига хос кўтаринкилик билан бошланган деҳқон баҳори қут-барака олиб келсин.

Бугунги умидли меҳнатимиз эртага тоғдек юксак хирмонларда аксланиб, халқимизни янада мўл-кўлчилик, фаровон ҳаётга бошласин.

Барчангизга муборак айём шукуҳи йил давомида ҳамроҳ бўлсин! Қалбларингиз меҳр-мурувватга, шодлигу қувончга тўла бўлишини ният қиламиз.

**Учқўрғон пахта тозалаш заводи
раҳбарияти ва жамоаси**



Хўжалик судида

Утган йилнинг 27-майида «Чустдонмахсулот» ҳиссадорлик жамияти билан «Шахзод» фермер хўжалиги шартнома имзолашди. Унга кўра, фермер 19200 килограмм бугдой етказиб берди. Хужжатнинг 3.6-бандида маҳсулот ҳақини етти кун мобайнида тўлаш белги-ланган бўлса-да, 1086000 сўмини 102 кунга қадар ҳисоб-китоб қилмаган. Даъвогар шартнома шартлари-га биноан 443080 сўм пеня ҳисоблаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси тақдим этган.

2004-йил, 30-октябрда «Попдонмахсулот» ҳиссадорлик жамияти 215-сонли тошхўрлик орқали 1081200 сўм асосий қарзни фермер хўжалигига тўлагани

ДАЪВОГАР ДАЪВОДАН ВОЗ КЕЧДИ

боис даъвогар ўз даввосидан воз кечди.

Аниқланишича, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил, 6-августдаги 376-сонли қарори билан «Чустдонмахсулот» «Попдонмахсулот» ҳисса-

дорлик жамиятининг филиали-га айлантирилган.

Республика Хўжалик процессуал кодексининг 40-моддасида даъвогар хўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул этгунига қадар давронинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ёхуд давводан воз кечишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шу боис суд хўжалик ишини тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарди. Давлат божи ва суд харажатлари «Попдонмахсулот»нинг банкдаги ҳисоб рақамидан ундирилаётган бўлди.

Юнусон ДАДАБОВЕВ,
вилоят хўжалик судининг судьяси

Ҳукм ўқилди

Икром ўйлаган режасини амалга ошириш учун қўшни туманга йўл олди. Ата-йини кун ниятига етиб, тун бошланишини кутди. Осузда маҳалани кезар экан, ўзича настқам деворлар оша мўралаб-мўралаб кўйди. Ерқўрғон кишлоғига кетиш йўлидаги охири берк кўчага бориб, тавақкал дея девор ошди. Бутун вужуди титраб ҳовлини кузатди. Ҳовли эти-даги қўйхонага кўзи тушиб, юраги тез-тез ура бошлади.

— Ким у? Чақирсанг-чи, тезроқ кўйларни сотмасак бўлмайди. Хитланиб қолиши шурми-мига шўрва тўкилиши ҳеч гап эмас, — дея хавотирланиб, у ёқ-бу ёққа қаради.

— Узингизни босинг, аввал гапни эшитинг, қўйни дадамга сотамиз. Ҳар яқшанба бозорда-лар. Лекин келишиб олишимиз керак. Дадамга «Даврон ақанинг кўйлари бор экан, бир кўринг-чи», дейман.

Шайтон ҳукмига бўйсунган бу кишилар отанинг кўзига тик боқиб, ўғирлик қўй учун ундан 200 минг сўм санаб олдилар. Тўрта қўйни сотишди-ю,

Огоҳ бўлинг, олов

Инсон борки яхши ният, истак билан яшайди. Хаёти-да кўнгилсизлик бўлиши, бо-шига ташвиш, қулфат тушиши-ни ҳеч ким истамайди, албатта. Шунинг учун доимо тинч-лик-хотиржамлик, омонлик бўлсин дея дуо қиламиз. Илтижоримиз асносида яратгандан ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра, дея сўраймиз. Аммо ҳаёти-ми знинг ҳаловатли, хотиржам ке-чиши учун ният ва иш-такларнинг ўзи қифоя-ми? Унда нега гоҳо ку-тилмаганда турли балоларга гирифторм бўлиб қоламиз? Ху-лосини кейинга қолдириб, қуй-идаги ҳолатларга эътиборин-гизни қаратмоқчимиз.

Худди шу куни соат 16:45 лар чамасида ша-ҳарнинг Тошкент кўча-сидаги 83-уйда кўнгил-сизлик юз берганлиги ҳақида шошилинч кўнгириқ бўлди. Зуд-лик билан ҳодиса жойига етиб борган ўт ўчирувчилар офатни бартараф этиб, хонадонни олов домидан сақлаб қолишга эриш-дилар. Бу ҳолатга ҳам газ иси-

ҲУШЁРЛИК — ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

тиш печининг назоратсиз қол-дирилиши сабаб бўлганди. Шу куни орадан ҳеч қанча вақт ўтмай соат 17:10 да ходим-ларимиз тилсиз ёвни бартараф этиш учун шаҳарнинг Самар-қанд кўчасидаги 22-уйга отла-нишга мажбур бўлишди. Чунки хонадон соҳибни Ж. Аҳмедов эҳтиёсизлик оқибатида ёвнинг юз беришига йўл қўйганди. На-зоратсиз қолдирилган газдан аланга олган олов палос ва пол-га туташиб, ёвнингга айланган.

Умуман, баҳорнинг илк куни кўплаб ҳамюртларимизни мав-сум ўзгарганда, фасл алмашган-да ёвнинг хавфсизлиги талаб-лари қай даражада тайёр туриш-лари, ҳушёр ва огоҳ эканлик-ларини синаб кўрди. Афсуски, натижалар ижобий эмас. Бир-гина шу куни шаҳарнинг ўзи-да ўндан ортиқ ёвнинг ҳодисаси кайд этилди. Хайриятки, ўт ўчи-рувчиларнинг тезкорлиги ту-файли талафотлар жиддий бўлмади. Аммо шунинг ўзи бизни ар-зимас эъти-борсизлик ҳам катта йўқотишлар, кўнгилсизликларга олиб келиши му-мкинлигидан огоҳ этиш учун етарли. Шундай экан хоҳ уйда, хоҳ ишда, хоҳ бошқа бир масканда бўлсин ёвнинг хавф-сизлиги қондаларига риоя эти-ли. Электр жиҳозлари, газ иситиш асбобларидан фойда-ланганда эҳтиёткор бўлиш ва уларни ёвнинг ҳолда назоратсиз қолдирмаслик зарур. Ҳушёрлик — хавфсизлигимиз кафолати эканлигини унутмасак ҳаётда яхшилик ҳамроҳимиз бўлавер-ади.

Комилжон ҲАМДАМОВ,
Наманган шаҳар ИИБ
Ёвнинг хавфсизлиги
бўлими асосий инспектори,
катта лейтенант

Кишлоқда пахта йигим-тери-ми якунланган, ўз-ўзидан гўза-поя йиғиштириш авж олади. Кимнингдир қўлида ўроқ, бо-шқа бириникида паншаха, да-лага қараб йўл олади. Учинчи бир қўшни эса териб боғлан-ган гўзапояни аравага юклаб, уйига кайтаётган бўлади.

Утган йилнинг 26-ноябр куни Шермат ака Исмоилов (исм-шарифлар шартли) фар-зандларига гўзапоя теришни тайинлаб, ўзи қўшни маҳалла-да бўлаётган тўйга жўнади. Тўғри-да, эл-юртчи-лик, иссиқ-совуқ маърака ҳар банданинг бошида бор. Маҳал-ла-қўйга аралашиб турмаса бўлмайди. Тўй ўз номи билан тўй! Хурсандчиликка нима ет-син! Тўйда гоҳ ошқора, гоҳ яширин «юзта-юзта», албатта, истаиймизми-йўқми ичкилик бўлади. Шермат ака ҳам эл қатори ўз насибасини отди. Ичувчилар орасида «арок-нин юз грамм киммат» деган ҳазил-мутойиба гап юради. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин ёки йироқ, буниси бизга қоронғу. Аммо, Шермат ака тўйдан кей-ин ўзини анча «қўйворган» кўринади.

— Уша куни эрталаб киш-лоқ марказига борганимни эс-ламан, — деди судланувчи ўз айбига қисман иқдор бўлиб, — у ерда кимлар билан ул-фатчилик қилдим, қанча ароқ ичилди, буниси ёдимда йўқ. — Тандирда нон ёпаётган-дим, — изоҳ беради гувоҳлар-

дан бири Салимаҳон Қодирова, — бир вақт Шермат акаким мени қақириб, бир донна нон ва пиёла сўрадилар. Орадан ярим соат вақт ўтиб, пиёлани қайта-риб беришди.

Жонли тилимизда «шакарнинг ози ширин» деган гап юради. Шермат ака бу ҳикматга амал қилишдан кўра нафсининг галига кирди.

— Уша куни тушдан кейин

қасига кетсан, қаерга борсан? Икки қизингдан уялмасанг, кў-ёвларингдан уял!

— Ичган сиз уялмайсиз-у, — хотин қақгани тиймади, — аразлаб кетгани мен уялмайми?

Жувон сандиқни очиб, тугун-тўқмоғини йиғиштиришга туш-ди.

— Кетмайсан, — хотинининг йўлини тўсди эр.

— Кетаман, — бўш келмади хотин.

— Мана сенга...

— Вой-дод!

Аёл икки-уч қадам олдин-га юриб, юзтубан йи-қилди.

— Вой дадаси, — жувон илтижоли кўзларини ўз жуф-тига қадади, — ни-малар қилиб қўйдингиз?

Жаҳл келганида ақлини қўлга ола билмаган эр, хотинини пи-чоклаб қўйганди.

Яқинда мазкур жиноят иши юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ҳукмига кўра, Шер-мат Исмоилов Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят Кодексининг 104-моддаси, 1-қисми ҳамда 117-моддаси биринчи қисми билан айбли деб топилди ва қўлмишига яраша жазоланди. Судланувчига нисбатан Ўзбе-кистон Республикаси Президен-тининг ўтган йил 1-декабр ку-нидаги Амниятга тўғрисидаги Фармонининг 2-моддаси қўла-нилиб, жазодан озод қилинди.

Баҳромжон БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Поп туман
судининг раиси

ҚАЛТИС ҚАДАМ

кўча бошидаги артезиан куду-ғидан сув олаётганим, — гу-воҳлик беради Абдурахим Жа-лолов. — Бир пайт ортимдан кимдир келиб, елкамга қўлини ташлади. Қарасам, Шерматбой! Фирт маст, оёғида зўрга туриб-ди. Бўлмагув гаплар билан аса-бимни эгволади. Икки галининг бирида «ичайлик» деяверди. Охир-оқибат «Агар ичсак, уйинг-га тинч кетсанми?», дедим. У рози бўлди.

Шермат ака шу куни роса тўйиб ичди. Уни жиҳанлари Со-биржон билан Махмуджонлар уйига элтиб ташлашди.

— Яна ичиб келдингизми? — эрини қарши олди Кумри опа. — Жонимга тегди ичишингиз. Кетаман.

— Кетаман? — баттар кайфи ошди Шермат ақанинг. — Қана-

ТУНГИ «МЕҲМОН»ЛАРНИНГ СЎНГИ САФАРИ

«Демак, қўйлар ҳам бор», — дея ўша томонга юрди. Дарвозанинг очик ёки ёпиқлигини билиш учун олдинга йўналди. Берк экан. Қулфни куч ишлатиб бу-зди. Бир бош қўйни ўзи билан олиб келган арқонда боғлаб, сездирмай ташқарига чққди. Эсон-омон Чортоқсой бўйига етиб борган Икромнинг ҳаяжо-ни аста-секин босилди. Соё бўйлаб Коросонга келди. Чор-тоқ ҳайвон бозорида қўйни 83 минг сўмга пуллади.

Бозорда эски таниши Даврон учраб қолди. Икром «ов»и ҳақида тўлқинланиб сўзлаб бер-ди. — Шунақа дегин, биласанми, бир жойда худди шундай «ов» бор. Биз ўлжани қўлга кирита олсак бас, — деди Даврон. — Қаерда? — Қаерда бўларди, яна ўша Уйчида-да. Бир ҳовлини била-ман. Учта семиз-семиз қўйи бор. Нима дейсан, шанба куни борамизми?

Икки шерик пухта режа ту-зиб, шанба кечаси Уйчига йўл олишди. — Анови ҳовлини кўрапсанми, ўша мен айтган хо-надон бўлади, — деди Даврон. Икром девори йўқ очик жойдан ҳовлига кириб, бир бош қўйни етаклаб чиққоқчи бўлди. Лекин жониворлар у билан кетишни «чисташмади». Икром ташқарида кутиб турган шеригини чорлаб, битта қўйни арқон билан боғ-лағач, бошқалари ҳам эргашди. Бундан тунги «меҳмонлар» ал-батта мамнун эдилар. Чунки бирданига уч қўйни «гумдон» қилишяпти-ку. Улар таниш йўл орқали қўйларни Чортоқ ҳайвон бозорига ҳайдаб келишди.

Маҳалладоши Шухрат қўйлар-га қизиқиб қолди.

— Бемалол кўраверинг, қўшни, ишончли. Касал-пасали йўқ, агар емаса-ичмаса, уйга олиб бориб ташлайверасиз.

Кекса даллол савдолашди-ю бозор қизиқ кетди. Қўйлар 180 минг сўмга бахоланди. Икки ҳамтовқонинг боши қўкка етди, ахир бир кунда шунча пулга эга бўлиш осон эмас-да!

Улар машаат қилиб, пулни ўзаро бўлишди.

— Даврон ака, бу сизнинг улу-шингиз, нақд 80 минг, — деди Икром пулни унга узатиб.

Ҳамтовқонлар бундан кейинги жиноятларини ҳам пухта режа тузиб, ўзаро гуруҳ бўлиб амал-га оширишди.

Нафси ҳақалак отган икков-лон шу туннинг ўзида қўй-қўзи-ни ўғирлаганлари етмагандек, яна «ўлжа» қидира бошлашди. Улар икки хонадонни қон қақша-тиб, жами бешта қўйни ўзлари-ники қилиб олишди.

Икром отасининг бозорда юрганини кўриб, Даврон ака-нинг ёнига ошқиди.

— Зўр харидор топдим. Пули ҳам нақд, — деди қувончи ичи-га сигмай.

биттасини Даврон уйига олиб кетди.

— Энди огайни, ўтган сафар менга камроқ улуш текканди. Бу гал...

— Э, ака, кўнглингиз тўқ бўлсин. Буниси «арра». Мана 100 минг, — дея Икром 10 минг сўмдан қилиб боғланган пул-ларни берди. Бу ҳали серияли жиноятларнинг ниҳояси эмасди.

Урганган кўнгили ўртанса қўймас экан. Бундан кейин ҳам Файрат кишлоғидан беш қўйни «тинчитилди». Бироқ бу билан қаноатланмай, яна тун «сафари»-га отланишди. Лекин ҳар доим ҳам «ов» бароридан келавермас-ди. Мўлжалга олинган ҳовлида на қўй, на мол бор эди.

«Зиёратчи»ларнинг ҳафсала-си пир бўлиб турганидан Даврон-нинг қўзи товук қатакка тушиб қолди.

— Кутлуғ уйдан қуруқ қайтиб бўлмайди, товук ҳам тешиб қичмас, — дея у шеригини ишга ундади.

Қўшни тумандан келиб, бит-тагина товук билан қайтиш аизнинг қахрамонларга «ярш-масди», албатта. Бир кечанинг ўзида икки-уч хонадоннинг «тун-ги меҳмон»и бўлиб юрган йи-гитлар бу гал ҳам «анъана»га со-диқ қолиб «ўлжа» излашга ту-шишди.

— Новвос бор экан. Нима қиламиз? — деди ҳовлилардан бирига девор ошиб тушган Дав-рон шеригига.

— Нима қилардик, «тинчитиб»-қўя қоламиз, — дея у молхона-га ошқиди.

Бироқ кўза кунда эмас, ку-нида синиши мумкинлигини уну-ти қўйган тунги шарпаларнинг галдаги ташрифоти хонадон со-ҳибларини ҳушёр тортирди. Икром қочшига удгурган бўлса-да, ариқ ёнида ҳамтовгоғи нов-вос билан қайтишини кутиб тур-ган Даврон уй эгалари томони-дан «асир олинди». Шериги ҳам узоққа қочолмади. Уни ҳам ту-тиб келишди.

Айни дамгача уч бора «қора курси»га ўтирган Икром Одилов суд томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига қўра айб-ли деб топилди, 9 йилга озод-ликдан маҳрум этилди.

Ёши олтимшага яқинлашиб қолган, лекин ёшли тенги йи-гитига шерик бўлиб жиноят қўча-сига кирган Даврон Толиповга эса беш йиллик жазо тайинлан-ди.

Жиноятга жазо муқаррар. Ле-кин шу ўринда бир мулоҳазас: ўзимизни ўзимиз қирмоқчмас, ҳушёрлиқни қучайтирмас экан-миз, юқоридаги каби нафси ўпқон кимсаларга имкон бўла-вереди. Огоҳлик бор жойда эса жиноятчилик илдиизи қуриб бо-ради.

Қодирхон Юлдашев,
жиноят ишлари бўйича
Уйчи тумани
судининг раиси

Ойла даврасида сўхбатлар



— Борингизга шукур, онажон!!!
Наталья Семёнова олган сурат.

ҲИҚМАТЛАР

- Бемаъни сўздан сукунат афзалдир.
- Кўзини кўриб турган нарсалар, кўзга кўринмас меҳнатнинг самарасидир.
- Сайраётган қуш ташналик азобида ёроқдир.
- Баланд дарахта тирмашишни ёқтирадиган киши, майиб бўлиш эҳтимолини ҳам бўйнига олиб юрмоғи керак.
- Минг оғиз сўздан, бир назар солиш афзалдир.
- Яхши кайфият кумни олтинга айлантиради.
- Шох билан илдиш орасида вақт ётади.
- Юксаклигини орзу қилсанг, майда-чуйда нарсалардан воз кеча бил.
- Чап кўзинг йиғлаганда, ўнг кўзинг кулиб турсин.
- Яхши кайфият инсонлар қалбига йул топишни осонлаштиради.
- Шошилмасдан илгарилаш доноларнинг, ярим йўлда тўхтаб қолиш тентакларнинг ишидир.
- Кулгисиз кун сувсиз қудқидир.
- Озгина қаноат қилмоқ, бадавлат бўлмоқ демак-

Қадриятларимиз

ҚИЗЛИК УЙ САРОЙ

Ҳа, айланайлар, кун қизиши билан совчиларнинг ҳам юраги гурмишлаб қолади. Қаерда қандай қиз бор, кимнинг қизи, онаси ўпмаган қизми, барини суриштиришди. Вой, бу қизларнинг кўплиги! Дарахтнинг шохини силкитсанг, қиз ёғилади-ю, аммо, келинликка танлашга келганда сараги саракка, пучаги пучакка ажралиб қолади.

Қиз болани атлас кўйлак кийганда кўр, оқи оқ, қизили қизил бўлиб, яшнаб туради, дейдилар. Аммо, қани атлас кийган қизлар. Бари саҳнада. Қиз болани сочини майда ўриб ироқи дўппи кийганда кўр, дейдилар. Қани дўппи кийган қирққоқил қизлар? Бари саҳнада. Қизларга разм соламан. Кўпи сочини кестирган, бирига ярашган, бири опалага ўхшаб қолган. Бирининг олқинди совундек юзининг ярмини соч қоплаб олган. Бири қош-кўзигача сочини тушириб кўйган. Хай, фаши келмайдими? Сал сочини йиғса-чи, деворнинг келади. Бировнинг боласи, индамайман, аммо ўзимнинг қизим бўлса, нима дейишни билардим. Пешонага соч тушириб, қошини едириб кўйиш мода бўлганми? Модангдан ўргилдим. Уша Голливуднинг қизларига тахассуб қилади-да, булар. Улар артист бўлса, сан олқидий инсон бўлсанг, ярашганини қил-да! Яна тиззасидан юбка кийганига ўласанми? Бунақа қизларниқига ўзига ўхшаган жойдан совчи бормас, ман икки дунёда бормайди. Яримта юбка кийгандан бут-бутун шим кийган яхши. Қизларимизга бирам ярашган. Аммо шим кийишнинг ҳам ўз ўрни бор-да. Ишга кийгин майли, саёхатга сафарга чиққанда кулай бу, лекин тўйга, меҳмонга шим кийиб боришни маъқулламайман.

Қиз бола мундоқ атрофга, кўнжик-қизилга, ўзига бир расм солиб, қилаётган қилиғига баҳо бериш-да, кимнинг қизисан, таг-зотинг ким, уруғ-ужудинг да бунақа соч кестирган, киндигини очиб юрган борми. Баъзи қизлар пардоз-андозни шун-

дай ошириб юборадиларки, унинг табиий чехрасини англаб олиш жуда қийин. Хар холда қиз бола билан келиннинг фарқи бўлиши керак-да.

Баҳор фасли — совчилик фасли. Совчилик — овчилик, — дейди халқимиз. Ахир бир қизни домига илтириб, усяидан учириб кетади-да, совчилар.

Мана ҳозир қизлар кўлига хина кўйиб, сочбарг тақиб, кўзга яққол ташланадиган, йигитлар қиз танлайдиган палла. Ана анҳор бўйида, ана бог атрофида, ана хиббонларда жуфт-жуфт бўлиб турган ёшларни кўрасиз. Худди шоирнинг «Кўмирлар қилиб ку-ку, булбул айлабон чакчах» мисралари уларга бағишлангандек. Бу ерда ошутфа юраклар бир-бирига талпинади, бир-бирини синайди, кўнгил кўнгилга мойил бўлса ҳеч гап эмас.

Тақдир «мени ол» деб таппинг остида кулиб тураркан. Лекин уни ҳеч ким кўрмас экан. Баъзи йигит-қизлар олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дегандек, ўзлари билган, таниган, синашга қиз-йигитларни илғамайдилар ва бутунлай бегона қизни, йигитни жуфтликка танлайдилар. Гоҳо янглишадилар.

Қизлик уй — сарой. Шох ҳам келди, гадо ҳам. Совчилар ови бошланди. Онахонлар, қизи — учирма қуши бўлган хонадонлар! Тадригизини кўринг. Дарвозани ланг очинг! Ховлингиз сув селип супурилгани, дастурхонингиз шайми? Тўй қилишга тайёрмисиз? Эшигингизни супургани совчилар йўлга чиқди. Уларни кўтиб олинг, яхшилар.

Кутби НОСИРОВА

ОНАНИ ТИРИКЛИГИДА ЭЪЗОЗЛА

Нишонбой ён кўшним. Заргарлик дўқонида мудир бўлиб ишлайди. Ёши ўттиздан ошса ҳамки, ҳамон бўйдоқ. Чунки икки марта уйланиб «оғзи куйганлардан». Мана уч-тўрт йилдирки ўз тенгини тополмай юрибди. Ёзги таътилда келин қидириб Ялтага бориб келадиган бўлди. Унинг бу фикрдан ранжиган маҳалла фаоллари «Касалманд онангни ёлғиз қолдириб кетма. Битта келин бўлса шу ердан ҳам топилиб қолар», деб насиҳат қилишди. Нишонбой маслаҳаттўйларни иккита гап билан «тузлаб» кўйди.

— Насиҳат қиладиган отам ўлиб кетган. Бу сафар келинни узоқдан топмасам бўлмайди. Яқиннинг шўрваси татимайди. Онам ҳали отдек. Кампир тушмагур ҳамиша менга эркалик қилади. Ахир унинг инжиклигини ёшлиқдан кўтариб келаётган мен биламанми ёки сизларми?

Биров у деди, биров бу. Охири маҳалладошлар «билганингни қил» наҳсалда елка қисиб кўя қолишди.

Эртасига у хайр-хўшни насия қилиб сафарга жўнаб кетди. Уша кун кечкурун унинг онаси Ҳикмат хола мени олдига чакриди.

— Онаг айлансин, Рустамжон, — деди овози титраб. — Билсанг сен ҳам ўғлимсан. Нишонбойим ўта чўрткесар-да. Бўлма-са, кўра-била туриб мени ташлаб кетармиди? Майли, ишқилиб ой бориб, омон келсин. Аҳволим оғир бўлса ҳам болагинамнинг кўнгли ўксимасин деб индамадим. Ўғлим, энди сендан илтимос, мендан тез-тез хабар олиб тургин. Ким билади иссиқ жон, тагин...

Ҳикмат хола гапиролмай қолди. Ўзимча унга тасалли бериб юпатган бўлдим. Онасини шундай аҳволда ташлаб кетган кўшним Нишонбойдан каттик ранжидим.

— Ўғлим, — деди Ҳикмат хола чиқиб кетаётганимда, мана бу дори қозғоларни олов. Эртага келишиңгда дорихонага кириб ўтарсан. Нишонбой тушмагурга неча

марта гапирдим. Вақти йўқлигини айтиб, мени мот қилди. Болам бечора сафар тайёргарлигидан ортамадида ўзи ҳам.

Ҳикмат холанинг илтимосини бажо келтирдим. У узундан-узюқ дуо қилди. Холани ёлғизлатмадик. Оиламиз билан иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турдик. Нишонбой қайтадиган кунлар яқинлашиб қолган эди. Кечкурун кампирнинг олдида чиқсам, бирдан ёш боладек хўнграб, йиғлаб юборди. Таажжуба ёлғинасига тиз чўқдим. Унинг лаблари, қўллари аламдан дир-дир титради.

— Нишонбойимни соғиндим, болам, жуда соғиндим, — деди Ҳикмат хола ўксиниб. Узи яхшимикан ишқилиб. Тентакинам соғлигини билдириб икки энлик хат ҳам ёза қолмади. Ким билади у билан қайта дийдор кўриша оламанми, йўқми? Хар қалай хатини ўқирдим.

Арзанда ўғилни кўриш холага насиб этмади. У армонда оламдан ўтди. Холани бутун маҳалла кўмди. Маросимнинг учинчи кунини Нишонбой курсидек чамадон, ёнида «чимиликдан чиқмаган келин» билан ҳовлига кириб келди. Фожеани эшитиб, пешонасига урди. Жазаваси тутиб ох-воҳ қилди. Кейин бориб маҳалла оқсоқолининг ёнига ўтирди.

— Яхши ният билан тўй қиларман деб келган эдим, Тешавой ака, — деди у оғир.

— Юртга ош бериб уйланмоқчи эдим. Энди нима бўлади?

Бу сўз ҳаммининг энсасини қотирди. Ҳикмат холанинг маърака ошидан кейин одамларнинг гап-сўзига қарамай, Нишонбой тўй харакатини бошлаб юборди. Ниҳот тўйи алақайси ресторанда ўтадиган бўлди. Қарангки, тўйдан бир кун олдин «келин» йўқолиб қолди. Кейин билсак, у Нишонбой йиқан-терган бойликларини жомадонга жойлаб жўнаб қолибди, Нишонбой оёғи куйган товукдек у ёқдан бу ёққа югурди. Лекин натижа чиқмади. Қилмиш-қидирмиш, деганлари шу бўлса керак-да.

Ҳаётимизда онага меҳр-оқибатли фарзандлар жуда кўп. Улар она деган муҳтарам зот олдида ҳамиша қарздор эканликларини бир зум унутмайдилар. Лекин ғуруч қурмақсиз бўлмаганидек, ҳаётда Нишонбойлар ҳам онда-сонда бўлса-да учраб туради. Улар оналарининг тириклигида қадрига етмайдиларда вафотидан кейин эса эл кўзи учун ох-воҳ қилишади. Унинг маърақаси учун пулларини аяшмайди. Шу билан эл эътиборини қозонмоқчи, гўё она руҳини шод этмоқчи бўладилар. Афсуски улар янглишадилар. Онани тириклигида эъзозламай, унинг ўхитидан кейин бутун бойлигини сарф этган хомтаёт ўғилни эл-юрт, маҳалладошлар кечирмайди.

Мақсуд ОРИПОВ

ни даволашда ўзини аъло даражада намоён этди. Шунингдек, атеросклероз ҳам яхши даволанди.

«Асалари доираси» таобат амалиётида кенг қўлланилиб, яра касалликлари, овқатдан захарланиш, тўқима ва аъзоларда модда алмашрувнинг бузилиши, бод кай хасталикларга қарши курашда фойдаси сезиларли. Шифокорлар пахта асалини соғлиқни мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳаётий кўтаринкиликни ошириш мақсадларида ҳам истеъмол қилиш заруригини тавсия этадилар.

Шарқ дурдоналари



• Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстан кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Мухаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси хақида ҳикоя қилиб куйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва уфлатлик қилма, улар билан ҳеч вақт сўбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фиску фуҷур ахли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўйма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса таъмасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатади. Одамлар эса гапнинг тағига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси — бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг мону давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланадилар. Мен буну ўз бошамдан кечирганман. Пулим кўпчилига дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланмишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди: — Уларнинг учинчиси — ёлғончилар. Кимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиришади ва бегоналарни яқинлаштиради. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган сўхбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

•ҲИКОЯТ. Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир кун эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товўққа кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт унинг қулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсаси кўрди. Иштаҳаси аланга олди. Уша семиз нарсаси эришиш мақсадида юз ранжу қулафат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ногора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқётган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан қуйиб надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эссиз, бу ҳаводан шишган нарсани деб ҳалол сайдими қўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манфаат етмади!» Қитъа:

Ноғора даранглар
танимсиз вале,
Ичи бўшир, бундан
нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишинг
тагини ўйла,
Ялтироқ тошига
қилма эътибор!

Билиб қўйган яхши

ПАХТА АСАЛИНИНГ ХОСИЯТИ

Илгаридан асалнинг мўъжизакор хусусияти маълум. Қадимги Миср шифокорлари ундан фойдаланиб, беморларни деярли барча касалликлардан даволаганлар. Бизнинг давримизда ҳам мисрлик шифокорлар бу фойдали манбаага ҳурмат билан қарайдилар. Эз — Закапик шаҳри

университетининг доришунос мутахассислари рангли пахта нектаридан олинган асал устида олиб борган тадқиқотлари бўйича ҳисобот тайёрладилар. Хужжатда айтилишича, бу турдаги асал таркибиде холестериннинг йўқлиги билан афзал. Шу туфайли у юрак қонтомир касалликлари-

АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Нихоят ўзбекистонлик футбол мухлисларининг орзиқиб кутган кунлари етиб келди.

Эртага олий лига жамоалари мамлакат XIV миллий чемпионати баҳсларини бошлашади. Шунга таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсумда ҳам олий лигада 14 жамоа голиблик учун кураш олиб боради. Шу ўринда Ўзбекистон Футбол федерациясига аъзолик бадалини тўлай олмаганлиги боис «Сурхон» жамоасининг олий лигада тўп сурмаслигини, «Самарқанд — Динамо» жамоаси яна олий лигада иштирок этшини эслатиб қўйишни лозим топдик. Жорий йилги беллашувларда биринчи лигада голибликни кўлга киритган «Тўпалан» ва «Шўртан» жамоалари ҳам кучлилар сафида ҳаракат қилишади.

«ПАХТАКОР» ЧЕМПИОНЛИККА ИНТИЛАДИ

Энди пойтахтимиз шарафини олий лигада ҳимоя қилаётган «Пахтакор», «Трактор» ҳамда «Локомотив» жамоаларининг мавсумга қай тарзда ҳозирлик кўришганию, жорий йилда ўз олдларига қандай мақсадларни қўйишгани ҳақида икки оғиз сўз юритамиз.

Авалло мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» жамоаси миллий чемпионатга пухта ҳозирлик кўрганини, «Пахтакор»чиларнинг мақсади 2005 йилда ҳам чемпионликни кўлга киритиш эканлигини пайқаш қийин эмас. Чунки январь ойида пахтакорчилар Россия пойтахти Москва шах-

аси учун омадли кечди. Иқтидорли мураббий Вадим Абрамов етакчилигида тўп сурган «трактор»чилар ўз тарихларида биринчи марта турнир жадвалининг бешинчи погонасини эгаллашди. Бундан ташқари Вадим Абрамов шогирдлари Ўзбекистон Кубоги финалида ҳам «Пахтакор»га муносиб қаршилик қила олишгани мақтовга лойиқ.

Ҳўш, жорий йилги чемпионатда «Трактор» жамоаси қандай марраларни кўзлаяпти? Бу саволга бош мураббий Вадим Абрамов, «Мақсадимиз — совриндор бўлиш», дея жавоб берди. Шунга таъкидлаш жоизки, ўқув машғулот йиғинларини Бирлашган Араб Амирликларида, Тошкентда ўтказган «трактор»чилар олий, биринчи лига ҳамда хорижнинг бир неча жамоалари билан назорат ўйинларида беллашишди. Бундан ташқари Ўзбекистон Футбол федерацияси Кубоги баҳсларида омадларини синаб кўришди. Қўйида эътиборингизга «Трактор» жамоаси таркибини ҳавола этамиз. Вадим Абрамов — бош мураббий ҳамда жамоа бошлиғи.

Виктор Василенко, Марат Михтахутдинов — мураббийлар.
Рустам Меҳмонов — шифокор.

Игорь Мустафин — маъмур.

Дарвозабонлар:
Александр Карпенко.
Антон Моиранов.
Рустам Искандаров.

Химоячилар:

Анатолий Хутин.
Рустам Боқиев.
Темур Холмуродов.
Эрмат Шерғоziев.
Азиз Ибрагимов.
Виктор Попенко.

Ярим химоячилар:

Мухсим Умрзоков.
Сергей Баканов.
Иброҳим Раҳимов.
Темур Айзатулов.
Алексей Кликунов.
Руфат Акромхўжаев.
Кирилл Соловьёв.
Вадим Афонин.
Нўъмон Ҳасанов.

Ҳужумчилар:

Павел Соломин.
Илҳом Мўминжонов.
Олим Навкаров.
Карлен Абрамов.

«ЛОКОМОТИВ» ҲАМ МАВСУМГА ШАЙ

Мамлакат XIII миллий чемпионатида олий лигада илк бор қатнашганига қарамай Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси айтиш жоизки, муваффақиятли иштирок этиб, мутахассислару мухлислар назарига тушди. Са-



баби, кучлилар сафида илк марта тўп суратган темирйўлчилар жамоаси олтинчи ўринни кўлга киритди.

Жорий йилги мавсумга жамоани иқтидорли мураббий Рустам Мирсодиқов тайёрлади. «Жамоамиз асосини иқтидорли чарм тўп усталари ташкил этади. Шу боис ҳам «Локомотив» мавсумга шай» — дейди бу ҳақда бош мураббий. Ушбу чемпионатда кучли ўнликдан жой эгаллашни ният қилган «Локомотив» жамоаси таркиби билан танишинг:

Рустам Мирсодиқов — бош мураббий.

Равшан Усмонхўжаев — жамоа бошлиғи.

Евгений Валицкий, Яков Капров, Николай Шевченко — мураббийлар.

Анатолий Туриков — шифокор

Улуғбек Усмонхўжаев — маъмур.

Дарвозабонлар:

Махмуд Икромов.
Юрий Цой.
Нодир Иброҳимов.

Химоячилар:

Одил Исабоев.
Саид Акбаров.
Марат Дилмухамедов.
Шерзод Шарипов.
Темур Яфаров.
Ҳикмат Ҳошимов.

Ярим химоячилар:

Шухрат Йўлдошев.
Азиз Ҳайдаров.
Ғуллом Халимтоев.
Виктор Клишин.
Александр Мочинов.
Илья Ильин.

Ҳужумчилар:

Ойбек Усмонхўжаев.
Собир Усмонхўжаев.
Марсель Идиатуллин.
Беҳзод Қодирқулов.

Ўзбекистон чемпионати : Олий лига.

1-тур, 19 март (шанба)

«Пахтакор» — «Сўғдиёна»
«Навбаҳор» — «Трактор»
«Шўртан» — «Насаф»
«Тўпалан» — «Бухоро»
«Қизилқум» — «Машъал»

20 март (якшанба)

«Локомотив» — «Самарқанд-Динамо»

23 март (чоршанба)

«Металлурж» — «Нефтчи»

Хулоса ўрнида жорий йилги мамлакат биринчилиги мусобақалари қизиқарли, шиддатли ўтишини истаган ҳолда шахримиз жамоалари ўз мухлисларига ажойиб футбол спектакллари намойиш этишади деб умид қиламиз.

(Ўз мухбиримиз)

ОМАД КУЛИБ БОҚМАДИ

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларини муваффақиятли бошлаган мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор»га ўз стадионида «Ал-Завра» жамоаси билан уштирилган беллашувда омад кулиб боқмади.

КЕЧА «Пахтакор» марказий стадионига келган мухлислар тошкентлик футболчилардан фақат галаба кутишганди. Аммо, ўйинчиларнинг тўп оширишда, тўпни бир-бирига узатиб ҳужум уштиришда ҳамда ҳимоя чизигида йўл қўйган хатолари қимматга тушди. Учрашувни ҳужум билан бошлаган меҳмонлар 7-дақиқадаёқ «Пахтакор» дарвозасини аниқ нишонга ола билишди. Али Жаббор томонидан киритилган тўпга мезбонлар иккинчи бўлимдагина Сервер Жепаровнинг пенальтидан йўллаган голи билан жавоб қайтаришди. Учрашув якунланишига санокли дақиқалар қолганида яна мезбонлар дарвозасига ироқлик чарм тўп усталарининг гол киритиши 2:1 ҳисобида улар галабасини таъминлади. Аммо, гуруҳ баҳслари энди бошланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали имкониятлар етарли. «Пахтакор»нинг ажойиб галабаларига умид қилса бўлади.

Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликларида «Ал-Аҳли» ҳамда «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашув 3:0 ҳисобида майдон эгаларининг галабаси билан якунланди.

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг навбатдаги беллашувлари 6 апрель куни бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» жамоаси сафарда Саудия Арабистони чемпиони «Ал-Аҳли» билан куч синашади.



рида анъанавий тарзда ташкиллаштирилган «МДХ чемпионлари Кубоги» турнирида қатнашади. Ёш «пахтакор»чилар Ўзбекистон Футбол федерацияси Кубогида иштирок этиб голибликни кўлга киритишди. Дарвоқе, Агамуродов шогирдлари Бирлашган Араб Амирликларида, Туркияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиб, хорижий жамоалар билан ўзаро ўртоқлик учрашувларида куч синашди.

Куни кечагина эса Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоасини сафарда 2:0 ҳисобида мағлуб этган «пахтакор»чиларни бемалол чемпионликка асосий даъвогар дея эътироф этиш мумкин. Жамоанинг ўтган йилги таркибини деярли сақлаб қолганлиги таҳсинга лойиқ. Фақат ҳужумчилар Шишлов, Зайниддин Тожиев, Ислоҳ Иномовлар бошқа жамоаларга ўтиб кетишган. Лекин легионер футболчимиз, терма жамоа аъзоси Гейнрих яна «Пахтакор» сафида.

Хулоса қилиб айтганда шахримизнинг бош жамоаси мавсумга ҳар томонлама тайёр. Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан «Пахтакор» жамоасига ушбу мавсумда ҳам ажойиб галабаларини тилаб қоламиз.

МАҚСАДИМИЗ

СОВРИНДОР БЎЛИШ

Ўтган йилги мавсум «Трактор» жамо-

Пауэрлифтинг

РЕКОРД НАТИЖАЛАР КЎРСАТИШДИ

Икки кун давомида шахримиздаги МХСК спорт залида пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Наманган, Фарғона, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтдан 250 га яқин спортчи иштирок этди.

Бу галги чемпионатнинг ўзига хос томони шунда бўлдики, турнирда ёшлар, катталар ҳамда фахрийлар ўз ёш тоифалари бўйича қатнашиб, куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Чемпионатда кўплаб юқори натижалар кўрсатилганлигини қайд этиш жоиз. Жумладан, 52 килограммгача вазнда ёшлар ўртасида қатнашган ҳамшахримиз Айна Васина учурашнинг икки тури бўйича бир хил натижа — 132,5 килограммдан вазини забт этгани ҳолда республиканинг иккита рекорди-



ни ўрнатишга муваффақ бўлди. Зарафшонлик Надежда Малогина эса катталар ўртасида 67,5 килограммлик вазн тоифасида иштирок этиб, учурашнинг барча йўналишлари бўйича учта рекордни янгилади ва умумий ҳисобда 510 килограмм натижага эришди.

Шахримизнинг яна бир вакили Юлия Стасенко ёшлар ўртасида ўтказилган турнирда қатнашиб, битта рекорд ўрнатди. Учкураш натижасига кўра эса 524 килограммлик вазини кўтарган ҳолда чемпионатни якунлади.

Павел Брендин катталар ўртасида 90 килограммгача полвонлар билан баҳс юритиб, бир йўналишда 320 килограмм

натижа кўрсатгани ҳолда Ўзбекистон рекордини янгилади.


Зарафшонлик Евгений Салтиков ҳам ўз вазни 110 килограмм бўлгани ҳолда иккита йўналишда 330 килограммдан вазини кўтарганлиги сабабли у ҳам икки рекорднинг муаллифи бўлди.

Чемпионатнинг голиб ва совриндорлари дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон чемпионатидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.



Спорт

**КУЧЛИЛАР
САРАЛАНДИ**

Шаҳримиздаги МХСК спорт залида ўсмирлар ва қизлар ўртасида кураш бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари поёнига етди.

Унда барча вилоятлардан келган ёш иқтидорларнинг иштирок этгани юртимиз ҳудудларида миллий спорт турининг қанчалик ривожланаётганидан аққол далолатдир.

Ғолиблар сафига назар ташлайдиган бўлсак, деярли барча вилоятлар вакиллари борлигининг гувоҳи бўлаемиз. Ҳамшаҳарларимиз ҳам нуфузли мусобақада яхши қатнашишди. Жумладан, ўғил болалар ўртасида Илҳом Қодиров, Жасур Нийёзов, қизлар баҳсида эса Насиба Элмуродова каби пойтахт шарафини ҳимоя қилган ёш спортчилар ғалаба нашидасини суришди.

Биринчилик ғолиблари орасидан энг маҳоратлилар мамлакат ўсмирлар терма жамоаси сафларига сараланинади.

**ОЛИЙ ЛИГАГА
ЙЎЛЛАНМА
ОЛИШДИ**

Шаҳримизда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари ўртасида дастлабки босқич беллашувлари бўлиб ўтди.

Одатга кўра швейцарча усулда ўтказилган чемпионатда эркаклар II та тур, аёллар эса 9 турда баҳслашиб, ўзларининг энг кучли ҳислатларини намойиш этишди.

Шиддатли ва мурасасиз беллашувлардан сўнг турнир ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Чунончи, эркаклар ўртасида энг яхши натижаларга эришган Ж. Мустафоев, А. Анорқулов ва Г. Қаюмовлар олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Аёллар турнирида эса омад С. Эргашева, О. Собирова, С. Юсуфалиева, Н. Нодиржонова ҳамда А. Расуловларга кулиб боқди ва улар ҳам келгусида энг кучлилар сафига қатнашиш учун йўлланмалар олишди.

Турнир натижаларига кўра бир неча шахматчи спорт усталигига номзодлик талабларини бажарди.

(Ўз мухбиримиз)

Мағбирлар

МУСИҚА КЕЧАСИ

Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ташаббуси билан кўчма маданий ва маърифий тадбирларни жойларда ўтказиш анианага айланган бормоқда. Ташкилотларда, маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларда ўтказилаётган «Барҳаёт сиймолар», «Эъзоз давраси», «Санъатга бахшида умр», «Мутахассислар билан давра суҳбатлари», «Маънавият гулшани», «Ёшлар — келажгимиз» ва бошқа шу каби қатор қизиқарли тадбирлар қатнашчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Куни кеча боғнинг ижодий жамоаси ёшлар учун қизиқарли тадбир уюштирди. Чилонзор туманидаги болалар санъат мактабида фортепиано муסיқа кечаси бўлиб ўтди. Унда Халқаро ва республика пианиночилар танловининг ғолиби, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабаси Михаил Исаев билан ижодий учрашув ташкил этилди. Кечада санъатшунослар, журнали-

стлар, муסיқашунослар, талаба ва мактаб ўқувчилари, туман маданият муассасаларининг ўқитувчи, ўқувчилари, шунингдек жамоатчилик вакиллари ва кўплаб муסיқа шинавандалари иштирок этдилар. Кечани Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Рустам Хужаев очиб, Михаил Исаев ижоди ва ижро қилинадиган муסיқа асарлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон композиторлари ва И. Бах, Л. Бетховен, Ф. Шопен, Ф. Лист, С. Рахманинов, Ф. Купринларнинг фортепиано учун ёзган машур асарлари Михаил Исаев томонидан ижро этилди. Тадбирда санъат мактабида таҳсил олаётган ёш муסיқачилар ҳам ўзлари ўрганган асарларни ижро қилишиб, йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистонда хизмат қурсатган маданият ходими, профессор Ан-



вар Ливиев ўз таассуротларини қуйидагича ифодалади: «Мен бугунги ижро қилинган кўйларни илгари ҳам жуда кўп маротаба тинглаганман. Лекин Михаил томонидан ижро этилган асарлар менда ўзгача таассурот қолдирди. Мен ёш ва келажаги порлоқ санъаткоримизга ижодий парвозлар тилаб, бунданда нуфузли халқаро танловлар ғолиби бўлишини чин дилдан истаб қолардим».

Кеча сўнггида Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадий раҳбари М. Содиқов ва Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг мудири К. Алиев сўзга чиқиб, ижодкорларга омадлар тилаб, баҳорий гуллар тўхта этиб келгусида бу каби қизиқарли тадбирлар ўтказилишига тилақдош эканликларини билдирдилар.

Ўтқир СУЛТОНОВ
СУРАТЛАРДА: муסיқа кечасидан лавҳалар.

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ!
«СУВСОЗ ТРЕСТИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ СИЗЛАРНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎ БАЙРАМИ БИЛАН
ТАБРИКЛАЙДИ ВА 2005 ЙИЛ 4 МАРТДА ЎТКАЗИЛГАН АКЦИЯНИНГ ҚИММАТБАҲО ЙУТУҚ ЭГАЛАРИ
ҲИСОБ РАҚАМИ РЎЙХАТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ**

Телевизор	Ошхона комбайни	2-157-25	215269	83981	2-62-67	362348	3-177-54
382502	2-27-26	372090	73162	84391	260564	362285	126543
2-2-28	2-20-76	6-19-58	2-269-52	69117	280049	436915	51515
125649	1-139-55	1-130-112	279898	349287	6-51-88	2-52-93	5-81-4
3-163-8	310762	349209	304	123221	2-226-13	428003	427715
3-149-16	2-157-59	302007006	2-186-28	405973	6-130-50	3-184-63	460395
3-198-11	Кофе қайнатгич	6-52-106	395376	394715	404395	5-223-85	2-66-36
3-163-18	296053	2-318-81	83163	Дизмола	319589	1-151-50	159637
109872	2-252-67	254234	3-85-113	8-21-39	2-264-102	429207	152680
2-2-46	Қир ювчи машинаси	65444	433927	75148	2-264-73	409346	608676
907010015	121646	7-1-88	302332	73080	156828	315748	402079
2-38-106	3-149-102	Шарбат сикоч	208461	2-314-52	2-267-151	6-128-1	215767
219429	4-52-30	123529	2-94-85	5-139-132	139374	415480	370744
48533	121626	237675	420304	2-162-113	189045	267356	1-72-88
Чанглотгич	430653	286400	94520	140080	349627	25482	409422
2-94-51	392603	248785	126911	1-104-18	4-168-29	Фен	2-46-40
512113	217549	410931	1-38-105	3-64-47	2-31-142	5-86-50	
3-184-30	402641	242392	90796	290301	101377	22299	
2-147-73	410651	65798	Чойнак	2-172-25	74485	376489	
18107	13078	3-154-36	58699	246331	Тостер	2-41-70	
436568	3-30-45	5-139-187	2-234-28	150111	2-49-78	221872	
3-133-100	171287	92840	379175	185373	3-86-33	206837	
2-157-57	100662	160137	460188	117928	168574	2-6-163	
106827	54370	364097	3-81-78	169320	539256	130956	
4-151-95	3-94-51	384522	5-158-69	6-36-115	4-89-32	25906	
3-37-5	280048	162321	61669	8-7-45	140712	68280	
Музалтич	75481	2-61-90	Кофемайдалагич	266520	418201	31637	
1-155-71	262530	201907	39579	461019	260075	450786	
189021	2-1-70	420533	90405	510014007	375302	3-6-86	
Видеоматн.	348905	434877	125859	133923	5000	383708	
103011	61557	225194	3-119-53	1104012015	292831	287134	
2-93-112	2-55-70	162446	903045004	141083	111747	2-175-53	
130455	392400	2-62-111	2-79-105	140878	2-317-40	2-316-105	
2-71-54	3-54-86	5-226-45	6-100-40	74790	279057	267876	
Микро-тўқилди печ.	6-46-140	122108	438609	807013015	6-19-92	142242	
1-155-115	2-55-95	105786	230146	110766	437003	75688	
1-140-34	440533	78239	439527	3-95-77	301048	292942	
6-32-51	2-317-28	356441	289892	198855	1-78-102	122980	
268650	332661	98977	5-101-11	184063	222136	75286	
6-151-58	4-42-81	368660	349512	2-264-32	3-33-74	3-198-86	
2-147-14	Миксер	322779	416851	330454	418903	76993	
109673	237910	275749	147433	435874	419405	297492	
4-5-72	235435	280366	2-85-55	5-38-19	356755	3-186-74	
124097	8212	82669	307239	448862	5-186-66	315139	
235535	363533	166629	151513	11959	357801	419993	
4-32-65	363348	391134	74900	202869	271217	112986	
188984	150272	436528	27601	4-98-52	278993	15313	
3-54-49	2-55-68	213990	44351	1-155-106	5-216-12	188234	
3-87-21	159704	4-83-53	443132	403359	106723	212417	
2-25-14	71131	361670	374870	2-136-134	2-269-30	412069	

Ютуқларни олиш учун қуйидаги манзил бўйича «Сувсоз трести» давлат унитар корхонасига мурожаат этишларингизни сўраймиз: Тошкент ш. Миробод тумани, Чехов кўчаси, 2-уй, 405-хона.
Паспорт ва 2002-2004 йиллар оқва ва ичимлик сувида фойдаланганлик учун тўлов хабарномаси бўлиши шарт.
Ютуқлар рўйхат эълон қилингандан сўнг уч ой мобайнида берилади.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ, обреш усулида босилади.
5000 нусхада босилади. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашрийет-матбаа акциядорлик компанияси босямоноси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.